

МИЛЛИЙҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МУРТАЗО ҚАРШИБОВ

**ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН
КЕКСАЛАР**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 316.75
КБК: 66.3 (5Ў)
Қ 25

Азиз китобхон, эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу рисолада 2015 йилни мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар, шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг маъно-мазмуни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Китоб миллий ғоя ва мафкура, маънавий-маърифий тарғибот соҳасида фаолият кўрсатадиган мутахассислар, ўқитувчи ва талабалар, кенг китобхонлар жамоатчилиги учун мўлжалланган.

Ма с ь у л м у х а р р и р:
педагогика фанлари доктори, профессор **М. Қуронов**

Та к р и з ч и л а р:
сиёсий фанлар доктори **Қ. Қуранбоев**
фалсафа фанлари номзоди **А. Эркаев**

Қаршибоев М.

Қ 25 Элда эъзоз топган кексалар / М. Қаршибоев. –
Тошкент: Маънавият, 2015. – 72 б.

УЎК: 316.75
КБК: 66.3(5Ў)

МУҚАДДИМА

Биз кексалар деганда, аввало, ўзимиз учун энг азиз ва кадрдон бўлган инсонлар – ота-онамиз, бобою моларимиз, устозларимиз, хонадонларимизда, тўю томошаларимизда давраларни тўлдириб, уларга файзу тароват бағишлаб ўтирадиган нуроний зотларни тушунамиз. Бизнинг ўсиб-улгайиб, бугунги эркин ва озод, тинч-осойишта кунларда яшашимиз учун бу инсонлар бутун умрини сарфлаб, қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини; ҳозирги кунда – нуроний ёшда ҳам дуога қўл очиб, аввало сизу бизнинг бахтимиз, элу юртимизнинг равнақини ўйлаб, эзгу ниятлар қилиб яшаётганини; ҳаётини ўғит ва маслаҳатлари билан амалий ишларимизда мадад бўлаётганини; бундай азиз сиймоларнинг борлиги катта давлат, туганмас бойлик эканини; уларнинг олдида умрбод қарздорлигимизни йиллар ўтгани сайин янада чуқура нглаймиз.

Муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳикматга, шукроналик ҳиссига йўғрилган сўзлари ҳаётнинг маъносини тушуниш, кундалик турмушимиздаги кўпгина жумбоқларни ечишда, инсоннинг меҳр-муҳаббат, ворисийлик туйғуларидан куч олиб яшашида алоҳида аҳамият касб этади. Қайси хонадонда кексалар бўлса, у ердаги инсоний муҳит, файзу барака, ўзаро муносабатлар, оилавий анъаналар, ҳатто каттаю кичикнинг гап-сўзи, муомаласи, ўзаро муносабатлари ўзгача илиқ ва самимий бўлади. Бу муътабар инсонлар бамисоли авлодлар ўртасидаги яқинлик, меҳр-оқибат, хотира ва инсонийлик ришталарини боғлаб турадиган муҳим

бўгин хисобланади. Уларга қараб, одамийлик, инсоннинг ота-она, фарзандлар, оила, маҳалла ва Ватан олдидаги бурчини англаймиз. Бу бурчни қандай ўташ кераклигини, энг оддий, лекин ҳаётда жуда зарур бўлган тажриба ва кўникмаларни эгаллаймиз. Қисқача айтганда, кексалар, уларнинг ҳаёти, умр китоби – биз учун ҳаёт мактаби.

Айни вақтда биз бу инсонлар тимсолида бугун ота-боболаримиз етган, эртага, йиллар ўтиши билан ўзимиз ҳам қадам қўядиган улуғ бир манзилу маррани тасаввур қиламиз, ҳаётнинг қонуният ва мезонлари етти ёшдан етмиш ёшгача – барчага баробар эканини ўйлаб, ҳаёт ҳақиқатига, Яратганнинг қудратига яна бир бор тан берамиз.

Маълумки, ҳадиси шарифда уч бора онангизга ва сўнгра отангизга яхшилик қилинг, деб уқтирилади. Бу — бежиз эмас. Ота-она фарзанд учун фидойилик тимсоли, яхшилик, меҳр ва саховатнинг туганмас манбаи, Ватан ва халқни, ўзликни таниш, инсонлик шаъну шарафи учун курашиш илмини, сабоғини берадиган буюк мураббий.

Дунёда ҳамма нарса вақти келиб ўз манбаига қайтгани каби, яхшилик ҳам аслига – эзгулик осмонининг ою офтоби – ота-онага қайтиши табиийдир. Устоз отадек азиз ва ота-она мақомидаги мухтарам зот эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қоида таълим-тарбия берган ўқитувчиларимизга, ҳаёт йўлларимизда биздан зарур билими, маслаҳатларини аямаган барча табаррук инсонларга ҳам даҳлдор, деб айтишга ҳақлимиз.

Ҳақиқатан ҳам, яхшилик, эзгулик неча асрлардан буён инсон, жамият ҳаётини безайдиган улуг кадриятлардан бири бўлиб келмоқда. Яхшиликка энг муносиб инсонлар эса, ҳеч шубҳасиз, бутун борлиғи, ҳаётини оиласи, фарзандларининг бахту саодати, элу юртимиз равнақига бағишлаган, доимо пок ният, эзгу

амал билан яшаб келган кексалардир. Бу дунёда яхши инсонга яхшилик қилиш – бу адолат, инсофу диёнат ва одамийликнинг энг муҳим шарти, буюк мезони, дунёни дунё қилиб турган устунлардан биридир. Яхшиликнинг асл моҳияти, куч-қудрати ёмонлик билан қиёслаганда билинади. Аммо яхшиликни баҳолашда фақат яхшиликнинг ўзи мезон бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни таъкидлаб айтгани албатта чуқур маънога эга: «Шу ўринда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган шиоримизни яна бир бор эслаб ўтишни истардим. Чунки, бу дунёда ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Яхшилик қилган одамга албатта яхшилик қайтади. Ўзига қайтмаса, болалари, набираларига қайтади. Муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшиликнинг муқофоти фақат яхшиликдир».

Айниқса, бизни ёруғ дунёга келтирган, ўзи емасдан, едирган, ўзи қиймасдан қийдирган ота-оналаримизнинг хизматида бўлиш, кексаларимизнинг кўнглидан чиқиб, дуосини олиш дунёдаги энг хайрли иш эканини барчамиз яхши биламиз. Таъкидлаш керакки, айти шундай гўзал урф-одатларимиз тимсолида биз нафақат нуроний инсонларга кўрсатилаётган меҳр ва эътиборнинг кучини, қудратини сезамиз, айти вақтда оламда «яхшилик» деган улғуф неъматнинг асло унутилмаслиги, эзгуликка асосланган ажойиб анъаналар ҳеч қачон завоқ билмаслигини чуқур ҳис этамиз. Катта авлод интиланган, ўзининг куч-ғайрати ва салоҳиятини бағишлаб яшаган ишларни ундан кейинги насллар албатта муносиб давом эттиражагининг амалий ифодасини айнан ана шу урф-одатларимизда кўрамиз. Шу жиҳатдан ҳам

ташлаб келиш учун йўлга чиққанимда, худди шу тепаликда тўхтаб, нафас ростлаган эдим. Шу воқеани эслаб куляпман, ўғлим! Айб ўзимда, вақтида отаи зоримга яхшилик қилиб, ризолигини олганимда, балки бу кўргулик бошимга тушмасмиди? Пешонам шўр экан. Хайрон бўлма, аччиғланма, болам, сенинг устингдан эмас, ўзимнинг устимдан куляпман».

Қиссадан ҳисса шуки, кексаларга қилинган яхшилик — ўзимизга қилинган, эртага фарзандларимиз, нева-ра-чевараларимиздан қайтадиган яхшиликдир. Дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди, лекин инсоннинг яхши ишлари ўзидан кейин ҳам яшаб қолади. Бу ҳақда мутафаккир боболаримиз кўп ибратли фикрларни ёзиб қолдирганлар. Улардан баъзи намуналарга эътибор берайлик:

*Тириклик истама, иста эзгу ном,
Эзгу ном тополсанг, тириксан мудом...
Тириклик — эзгулик учун илк имкон,
Эзгулик — бу, демак, мангу тирик жон.
Ким эзгу феъл бўлса, тирик у бўлди,
Ким ёмон феъл-атвор, у тирик ўлди.
Юсуф Хос Ҳожиб¹*

*Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик бирла от.
Алишер Навоий*

*Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро: қолди фалондин яхшилик.
Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, оғир дунё ғамхонасидин кечгу-

¹ «Кутадгу билиг» Тошкент, «Академнашр», 2015 йил, 481-бет.

си дур. Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган
яхшироқ.¹

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Кексалик, умрнинг бошқа фасллари – болалик, ёшлик, ўртайшарлик каби, инсон ҳаётининг энг ноёб даври ҳисобланади. Нимасини айтасиз, Оллоҳ таоло томонидан инъом қилинган ҳар бир кун, ҳар бир сония — буюк иноят, улуг имконият. Бунинг маъносини фақат ҳаётнинг қандай тенгсиз неъмат эканини билган, ҳар бир олган нафасни кадрлайдиган одамгина тушунади.

Қарилик – умрнинг бу гўзал айёми ҳақида илм-фан, адабиёт ва санъатда қанча мумтоз асарлар яратилган, баъзан кўтаринки, завқу сурурга тўла, баъзида эса ғамгин фикрлар баён қилинган. Уларнинг барчасини умумлаштириб, мухтасар ифода этадиган бўлсак, ким учундир кексалик – умр давомида камолга етган ақл-заковат, олинган билим ва тажрибани амалда қўллаш, янги куч-ғайрат билан ижод ва яратишга киришиш палласи; ким учундир – босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиб, ибратли хулосалар чиқариш босқичи; ким учундир – дам олиш, қилган меҳнатларининг роҳатини кўриш даври; ким учундир – битмаган ишларини битказиш, янги билимлар олиш, дунёни янгитдан кашф этиш имконияти.

Сирасини айтганда, ёшидан катъи назар, кексалик ҳисси ҳар бир инсон қалбида яшайди. Биз нуроний отахон ва онахонларимиз билан мулоқот қилганда, уларнинг ҳикмат тўла сўзларини эшитганда, фурсати етиб биз ҳам улардек бўлишимиз ҳақида ўйлаймиз. Ўйлай мизгина эмас, балки шундай пири бадавлат бўлиб,

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома. Тошкент, «Юлдузча», 1989 йил, 289-бет.

эсон-омон мана шундай кутлуғ ёшларга етиб, давраларнинг тўрида ўтирайлик, болаларимиз, неварачевараларимизнинг роҳатини кўрайлик, деб орзу-ниятлар қиламиз. Бир сўз билан айтганда, бундай эзгу туйғу-кечинмалар ҳеч биримизга бегона эмас ва улар ҳаётнинг маъносини англашда, умримизга мазмун, файз ва ва тароват бағишлашда беқиёс аҳамиятга эга. Борди-ю шундай хиссиётлар бўлмаса, умримиз нима билан тугаши, яшашдан маъно нима эка нини билмасдан, фақат ейишичиш, вақтни беҳуда ўтказишдан бошқа ишга ярамайдиган жонзотдан фарқимиз колмаган бўларди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кексалик ғоят кенг қиррали, инсон ҳаётининг мазмунига мазмун, жозибасига жозоба қўшадиган ноёб палласи экани янада равшан бўлади. Умр йўлининг катта қисмини босиб ўтган, қайнок ёшлик, фаол меҳнат даври орқада қолган муҳтарам кексаларимиз ҳаётини ўғитлари, ибратли фазилатлари, қасби, ватани, халқига меҳри ва садоқати билан оила, маҳалла ва жамият ҳаётида тинчлик-тоғувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани албатта таҳсинга сазовордир.

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, инсон эътибор топан юртда кексалар эъзозланади. Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб инсон, унинг ҳаёти, шаъни, ғурури, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият деб эълон қилинди. Бу ҳақиқат Конституциямизда асосий қоидалардан бири сифатида қуйидаги сўзлар билан муҳрлаб қўйилди: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент т, «Ўзбекистон», 2014 йил, 6-бет*).

Бугунги кунда юртимизда барча ислохот ва ўзгаришлар ана шу коидада мужассам этилган мақсадларни амалга ошириш ва охирига етказиш учун амалга оширилаётгани туфайли уларнинг натижасини ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис этмоқда. Бошқача айтганда, 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан давлат дастури қабул қилиниб, унинг асосида улкан ишлар амалга оширилаётганини фақат бир йил билан чекланадиган фаолият деб тушунмаслик керак. Аксинча, буларнинг барчаси инсон ҳақида, унинг муносиб ҳаёт кечириши ҳақида узоқни кўзлаб олиб борилаётган, кўп йилларга мўлжалланган ва давомли стратегик сиёсат, мақсад-муддаолар, кенг кўламли амалий ҳаракатларнинг бир қисми, ҳозирги даврдаги янги, навбатдаги босқичи эканини доимо эсда тутишимиз лозим.

Дунёда тараққиётнинг ўзбек модели деб ном олган мамлакатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўлининг туб негизида ҳам аввало инсон, халқимиз манфаатларини рўёбга чиқариш, тарихий тараққиётимиз тажрибалари, азалий қадрият ва анъаналаримиз, шу билан бирга, дунё халқлари ҳаётидаги энг илғор ютуқларни ҳисобга олган ҳолда ислохотларни амалга ошириш, янги давлат, жамият қуриш вазифаси мужассам экани сир эмас.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, юқорида зикр этилган мақсад-муддаолар билан узвий боғлиқ. Аёнки, ушбу тараққиёт модели инкилобий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий ларзалар орқали эмас, балки турли кескинлик ва зиддиятларга йўл қўймасдан, тарихий жараёнларни сунъий равишда тезлаштирмасдан, аксинча, босқичма-босқич, тадрижий қадамлар билан илгарилаб боришни назарда тутди. Шунинг ўзи ҳам тараққиёт борасида дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда биринчи навбатда инсон, яъни аҳолисининг деярли тенг яримини болалар ташкил этадиган мам-

лакатимиз фукароларининг туб ҳаётӣ манфаатлари, уларнинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб, ҳар томонлама пухта асосланган сиёсат олиб бориш бош вазифа қилиб қўйилгани ва бу сиёсат бугунги кунда изчил амалга ошириляётганини кўрсатади.

Миллий тараққиёт моделимининг асосчиси бўлган ва унинг қатъият билан амалга оширяётган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов 90-йилларнинг бошида, халқимиз эндигина мустақилликка эришган ўта мураккаб ва таҳликали йилларда илгари сурган, ўзгариш ва янгиланишлар жараёни, ислохотларимиз қондасига айланган «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг», «Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» каби даъватқор шиорлар замирида ҳам ҳар бир инсоннинг тақдири ва келажакини ҳисобга олиб, бунинг учун бутун масъулиятни чуқур ҳис қилиб ислохот юритишга бўлган интилиш ва ирода мужассам экани ҳозирги кунда дунёдаги нуфузли эксперт ва таҳлил марказлари, атоқли сиёсат ва давлат арбоблари томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Таъқидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ана шу эзгу интилиш ва гоёларни амалга оширишнинг аниқ ва самарали мезонлари шаклланди, бу борада янги, замонавий анъана ва қадриятлар пайдо бўлди. Бу ҳақда гапирганда, 1997 йилдан бошлаб юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш анъанаси ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Ана шу даврда йилларга берилган номларни эсга оладиган бўлсак, инсонни улуглаш, унинг манфаатларини таъминлашда уларнинг ҳарбири, ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг ёрқин саҳифаси, мустақил тараққиётимизнинг тарихий босқичи бўлиб қолганини кўраимиз.

Аёнки, ёши улуг инсонларни ҳурмат қилиш, уларга меҳр, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимиз ҳаётида

ердаги Мотамсаро она хайкали пойига гул қўяр экан, уруш ва меҳнат фахрийлари билан кўришиб, улар билан самимий суҳбатлашади. Оммавий ахборот воситалари учун берадиган интервьюларида кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оловли жангларда, уруш ортида кўрсатган жасорат ва матонати халқимиз, келажак авлодларимиз хотирасидан ҳеч қачон ўчмаслиги, биз улардан умрбод қарздор эканимизни, ҳурматли нурунийларимизнинг ҳаётини имкон қадар узайтириш, мазмунли қилиш учун барча шароитларни яратиш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий бурчи эканини таъкидлаб, бу борадаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтади.

Тараққиётнинг ўзбек моделида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида белгилангани кўпчиликка яхши маълум. Бу, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, жумладан, кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечираши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича юртимизда улкан ишларни амалга ошириш имконини бермоқда. Энг муҳими, бу ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда, босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши ва шу асосда давлат дастури қабул қилиниб, бугунги кунда фаол амалга оширилаётгани шу йўлдаги яна бир улкан қадамдир.

Яхшиликдан яхшилик унар

Халқимизда «Хунар – хунардан унар» деган мақол бор. Бу – хунаринг бўлса, ишинг унади, баракали бўлади, дегани. Яна бир маъноси: хунардан хунар унади,

яъни кўпаяди. Бунинг исботини айниқса бугунги кунда – шиддатли тараққиёт асрида ҳаётнинг барча соҳасида кўрмоқдамиз. Масалан, XX аср бошларида инженер деганда асосан машинасозлик, кemasозлик соҳасида фаолият юритадиган мутахассислар тушунилган. Ҳозирги техник ва технологик юксалиш даврида эса инженернинг фаолият доираси жуда кенгайиб кетди: ахборот-коммуникация тармоғида ҳам, ракета ва сунъий йўлдошлар ишлаб чиқишда ҳам, нанотехнологиялар тармоғида ҳам ўзининг инженерлари бор. Яъни, битта хунардан шунча хунар униб чикди. Ёки ўзимизга яқин журналистика соҳасини олайлик: спорт журналисти, ҳуқуқ журналисти, ҳарбий журналист, маданият ёки ишлаб чиқариш соҳаси журналисти ва ҳоказо, қисқаси, бу жабҳада ҳам хунардан хунар унмоқда.

Маълумки, собик шўро тузуми даврида бир инсонни таништириш керак бўлса, унинг сифатларига – сифат, унвонларига – унвон қўшиб, таърифи келтирилиб, шаънига узок ҳамду санолар айtilар эди. Тушига ҳам кирмаган бундай «фазилат»лардан таништирилаётган одамнинг ўзи ҳам уялиб кетарди баъзан. Ҳолбуки, инсон битта касб, битта йўналишнинг сир-асрорини пухта эгаллаб, айна шу соҳада янгилик қилиши учун қанча куч-ғайрат, фидойилик керак. Битта касбни қойилмақом қилиб бажаришнинг ўзи инсонни шарафлаш учун кифоя. Шунинг учун ривожланган хорижий мамлакатларда бирон касб эгаси билан танишиб қолсангиз, уларнинг ташриф қоғози – визиткасида баландпарвоз, аслида ҳеч нарсани англамайдиган унвонлар эмас, балки «Инженер Роберт», «Доктор Жорж», «Политолог Диего» деб оддий касби билан таништирилганини кўрасиз. Чунки улар имконидан ортик юк ва масъулиятни зиммасига олиб, эртага жамоатчилик олдида уялиб юришни хоҳламайди. Ҳаётга реал қараб, фақат кўлидан келадиган иш учун жавоб беради.

Бу фикрларни келтиришдан мақсад – одам ҳамма нарсани касбга айлантриши мумкин. Факат уни мукаммал адо этадиган даражада эгаллаши лозим. Буюк мутафаккир бобомиз инсон дунёга келар экан, камолотни касб килиб яшаши зарур эканига алоҳида эътибор қаратади.

*Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин батамом ўтмак биайниҳ –
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Маъноси: камолотни ўзингга касб эт, яъни ҳаёт қоидасига айлантиргинки, шунда дунёдан кетишда афсус-надомат билан кетмағайсан. Ўзинг ўйла, жаҳонга шундай келиб шундай кетиш – ҳеч ўзгармасдан, яхшиликка, мукамалликка интилмасдан яшаш ҳаммомга кириб чўмилмасдан чиқиш билан баробар эмасми?

Демак, жаҳонга яхшилик истаб келган инсон доимо ўзини тарбиялаб, такомиллаштириб бориши зарур. Шундагина яхшиликдан яхшилик кўпаяди, жамиятда яратилган қулай муҳит ва шароит асосида бошланган эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, тобора кучайиб, янги босқичларга кўтарилади.

Кексаларни эъозлаш йили ҳақида айни шу нуқтаи назардан фикр юритганда, бу жараён, юқорида қайд этилганидек, янгитдан бошланган ёки маълум муддат билан чегараланадиган жараён эмас. Аксинча, уни мамлакатимизда мазкур йўналишда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини мунтазам ошириб боришга қаратилган кенг кўламли – комплекс ишлар, чора-тадбирларнинг узвий давоми ва янги босқичи сифатида қабул қилиш ўринли бўлади. Яъни, табаррук отахон ва онахонларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун мустақил тараққиётимизнинг 24 йили

мобайнида бажарилган ишларни янги маъно-мазмун билан тўлдириш ва янада юксак босқичга кўтариш мазкур йилнинг асосий мақсад-вазифасини ташкил этади. Президентимиз Ислоҳ Каримов 2014 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиш таклифини билдирар экан, бу ҳақда атрофлича тўхталиб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаган эди: «Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, Ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга хурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаёгимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Бир ўйлаб кўрайлик, «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси» деган мақол ва хикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, ахиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узок қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим».

Бу сўзларда «Кексаларни эъзозлаш йилининг мақсади, маъно-мазмун ифода этилган.

Айтиш керакки, «Кексаларни эъзозлаш йили» деган номнинг ўзи чуқур инсоний моҳиятга эга экани билан юртимиздаги ҳар бир инсоннинг қалб тубидаги энг азиз хис-туйғуларни ифода этади. Йилнинг бундай

ном билан аталиши ҳақида миннатдорлик билан фикр юритар экан, аввало ота-онаси, бобою момоларини кўз олдига келтиради. Агар улар ҳаёт бўлса, бундай меҳрибон зотлар олдидаги қарзини узиш учун яна бир немкон туғилганидан хурсанд бўлади. Мабодо улар бу кунларга етиб келолмаган бўлишса, ҳаёлан уларнинг рухига мурожаат қилиб, муқаддас хотираси олдида ҳурмат бажо келтиради. Улар кўролмай кетган бундай ёруғ кунлар уларнинг қариндошлари – опаю сингиллари, укаларига насиб этганини шукроналик билан эътироф этади.

Шу маънода, Кексаларни эъзозлаш йилининг асосий ғоялари, мақсад ва вазифалари ҳеч кимни бепарво қолдирмайди, бу эса айни шу йўналишда белгиланган режалар, чора-тадбирларни амалга оширишда бутун халқимизнинг чин дилдан иштирок этиши ҳамда шундай эзгу ва савоб ишга муносиб ҳисса қўшишининг муҳим шартидир, деб айтишга тўлиқ асос бор.

Маълумки, мухтарам отахон ва онахонларимизга халқимиз, Ватанимизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси сифатида 2002 йил мамлакатимизда «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилинган ва шу асосда давлат дастури қабул қилиниб, кенг кўламдаги ишлар амалга оширилган эди. Бундан ташқари, ҳар йили мамлакатимизда, жорий йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, қабул қилинаётган давлат дастурлари доирасида ёлғиз кексалар, ёрдамга муҳтож, ногирон фажрийларимиз, барча ёши улуг юртдошларимизга давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан турли амалий кўмак бериш бўйича кўплаб тадбирлар белгиланиб, ҳаётга жорий этиб келинмоқда. Шу билан бирга, «Нуроний» жамғармаси, давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргалликда, бу борада доимий равишда жорий ва узоқ муддатга мўлжалланган режа ва дастурларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, 2014

ғоялари, мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бу йилда ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фарзандим деб яшагай инсон

Халкимиз – болажон халқ. Бу фазилат миллий кадрият даражасига кўтарилган. Эл-юртимизнинг айна шу хусусияти ҳақида канча таърифлар, шеър дostonлар, кўшиқлар битилган. Атоқли шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг мана бу сатрлари эса кўпчилик юртдошларимиз ўртасида маълуму машҳур бўлиб кетган:

Қиёси йўқ асло, меҳри – бир дарё,

Ўхшаса, ўзига ўхшайди ўзбек.

Болаларига-ку билдирмас, аммо

Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Айна пайтда болага меҳр, ўзидан муносиб зурриёт қолдириш ҳисси бутун инсоният хос хислат экани ҳам ҳақиқат. Не ажабки, бу туйғу ҳайвонларда ҳам мавжуд. Халкимиз: «Кўнғиз ҳам боласини оппоғим дейди», – деб бежиз нақл қилмайди.

Сирасини айтганда, насл давомийлигини асраш – жами тирикликка хос хусусият. Бу борада меҳр-муҳаббат туйғуси, «мендан кейин ҳам ҳаётим давом этиши керак» деган инстинкт, табиий майл муҳим роль ўйнайди. Лекин, ҳайвонлардан қарқли ўларок, инсон ўз фарзандида фақат насл-насаб эмас, балки энг яхши фазилатлар давомчисини ҳам кўришни орзу қилади. Нуридийдасини тоза ва тансиқ неъматлар билан бокиш билан бирга унинг қалбини, онгу шуурини энг гўзал туйғу ва тушунчалар билан озиклантириш, шу тарика уни дунёда ҳамма ҳавас қиладиган инсонлардан бири қилиб тарбиялашга интилади. Шу йўлда ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларга чидайди, ўзига озор, соғлигига зарар етказиб, ҳар қандай си-

новларга чидаб бўлса-да, бу эзгу мақсадга эришишга ҳаракат қилади.

Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида Чин ҳокони худодан тилаб олган ёлғиз ўғли Фарходнинг тарбияси, камолоти учун ҳеч нарсани аямайди. Ёшлигидан бошлаб унга барча билим ва хунарларни ўргатади. Дунёдаги энг машҳур олиму уламолар, устаю меъморлар Фарходга устозлик қилади.

Фарходнинг таълим-тарбия ва илму хунар бобидаги етуклигини буюк шоир бундай таърифлайди:

*Жаҳонда қолмади у билмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.*

Буни қарангки, ер юзининг бошқа бир чеккаси – арман юртида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Бу диёр маликаси Меҳинбону жияни – соҳибжамол Ширинни энг етук инсон қилиб тарбиялаш учун ундан ҳеч нарсани аямайди. Чин ҳокони ва арман маликасининг фарзанд тарбияси борасидаги эзгу интилишлари, холис ва покиза туйғулари қанчалик ўхшаш ва муштарак бўлса, Фарход ва Шириннинг ўй-фикри, сезги ва ҳиссиётлари ҳам, орада қанча масофа, тил ва урф-одатлар, анъаналар жихатидан фарқ бўлишига қарамасдан, ўзаро яқин ва ҳамоҳанг. Буларнинг барчаси фарзандга меҳр, инсон тарбияси борасидаги орзу-интилишлар ҳамма халқларда деярли бир хил эканини кўрсатади.

Яна Бир мисол. Жаҳонга машҳур «Hollid» кинокомпанияси ижодкорлари сурагга олган «Поезд жанубга қараб йўл олади» номли фильмда отанинг фарзанд ва оила олдидаги масъулияти, ўғилнинг ота йўлидан боришга иштиёқи жуда таъсирчан тасвирланган. Фильмда ашаддий жиноий тўданинг бошлиги қўлга туширилади ва уни қонун асосида суд қилиб, ҳақли жазо тайинлашлари учун поездга миндириб, суд маҳкамаси жойлашган шаҳарга жўнатиб юбориш керак бўлади. Жиноятчи-

ни вокзалга кузатиб бориш учун 5-6 кишидан иборат гуруҳ тузилади. Бен исмли маҳаллий фермер ҳам 200 доллар эвазига ана шу гуруҳ сафида боришга рози бўлади. Бу фермер АКШдаги фукаралар урушида катнашиб, бир оёғидан жароҳатланган эди. Беннинг тўнғич ўғли ҳам отаси билан бирга бормокчи бўлади. Аммо: «Уйда бир эркак қолиши керак-ку», – деб фермер унга рухсат бермайди. Романтик ўғил онасининг ухлашини пойлаб, ярим гунда барибир уйдан чикиб кетади. Яхшиям шундай қилган экан, йўлда жинойтчини кузатиб бораётган гуруҳнинг жонига бир неча бор оро киради, отасини ҳам ўлимдан сақлаб қолади. Энг кизик ва ҳаяжонли воқеалар вокзалга етиб келишганидан сўнг бошланади.

Жинойтчилар тўдаси «босс», яъни бошлиқларини кутқариш учун уларни изма-из таъкиб қилаётган эди. Шериф – вокзал худудининг полиция бошлиғи ва унинг ходимлари: «Бизда конун қаттиқ кўриқланади, хотиржам бўлинг», – деб аввалига катта гапирса-да, бостириб келаётган тўдани ва уларнинг тарафига ўтиб кетаётган вокзал ишчиларини кўргач, қуроолларини ташлаб: «Эй менга нима, зарур кептими?» – деб таслим бўлишга ошиқади. Лекин ваҳший каллакесарлар уларни тап тортмасдан отиб ташлашади. Буларнинг барчасини вокзал биносининг иккинчи қаватидаги ёш келин-куёвлар учун мўлжалланган хонадан кузатиб турган жинойтчиларнинг бошлиғи фермерга қараб: «Ана, кўрдингми, булар ҳеч нарсадан қайтмайди, яхшиси минг долларни олгин-да, вақт борида чўлок оёғингда лўкиллаб бу ердан жўнаб қол!» – дейди. Фермер рози бўлмайди. Жинойтчи уни тушунишга ҳаракат қилади. «Эҳ каллаварам, шундай кетворган хотининг бўлса, болаларингнинг олдида маза қилиб яшамайсанми, 200 доллар деб шу бўриларга ем бўлиб кетасанми? Мен сенга минг доллар, нақд минг доллар бераман, деяман. Айт, сенга яна нима керак?» – дейди. «Одамлар бунча пулни қаердан олдинг, деса, нима дейман, а, уларга қандай

тушунтираман?» – дейди самимият билан содда фермер. Кейин 200 доллар унга огир касалликка чалинган кенжа ўғлини даволагиш учун кераклигини айтади.

Ана шундай икром онларида фермер ҳам, жиноятчи ҳам кўнглидаги бор дардини тўкиб солади. Маълум бўлладики, иккиси ҳам ҳаётда ноҳақликларни кўп кўрган. Жиноятчилар сардорини болагигида онаси вокзалда колдириб: «Сен «Инжил»ни ўкиб ўтир, мен хозир келаман», – деганча кўздан ғойиб бўлган экан.

«Ойим шу кетганича қайтиб келмади. Мен «Инжил»ни бетма-бет ҳижжалаб ўкиб чиқдим», – дейди катта жиноятчи ҳам дардини дастурхон қилиб.

«Тўғриси айтганда, менинг оёғимдан ҳам ўзимизникилар отган. Лекин мен ўғилларимга, мардларча жанг қилиб яраландим, деб айтганман. Чунки ҳақиқатни уларга қандай айтаман. Сир очилгундек бўлса, уларнинг кўзига қандай қарайман», – дейди фермер ҳам аччиқ заҳарханда билан.

Ўша пайтда устоз шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Арслон ўргатувчи» шеъридаги ҳолат юз беради. Эсингиздами, ушбу шеърда арслон ўзини ёниб турган халқа ичидан сакраб ўтишга ундаб, залда ўтирган минглаб томошабинларнинг хайкириғига сазовор бўлиш, шунинг ҳисобидан обрў орттириш ҳақида ўйлаётган цирк ходимига қараб жон-жаҳди билан ўкиради, уни бутун важҳоти билан ямлаб ютиб юборишга шайланади. Шунда арслон ўргатувчи, ундай қилма, раҳминг келсин, шунча одамнинг олдида мени шарманда этма, менга уларнинг олқиши керак, бола-чакам бор, тирикчигим нима бўлади, ахир, дея ваҳший хайвонга ёлворади. Арслон, инсоннинг дарду ҳасратига чидай олмасдан, ўзини олов халқа ичига отади...

Яна бир устозимиз Абдулла Орипов ёзганидек, мард инсонлар норнинг ит, яъни нафс олдида чўкканини кўришдан кўра ўтда қуйиб-ёнишни афзал билишади.

Фильмда ҳам жиноятчи инсон дарди олдида ожиз қолиб: «Қани, Бошла, қаёкка юрай», – деб фермернинг измига бўйсуннишдан бошқа илож тополмайди. Ниҳоят, фермер жиноятчини поезднинг белгиланган вагонига чиқаради. Лекин ўзи ҳалок бўлади – ортидан пойлаб келаётган жинсий тўданинг бошлиқларидан бири уни шафқатсизларча отиб ташлайди. Отасининг ўлими устига етиб келган тўнғич ўғил: «Ота, сен уддаладинг, эшитяпсанми, сен уддаладинг бу ишни», – дейди кўзда ёш билан ва дарҳол ўрнидан туриб, вагон эшиги олдида қарахт ҳолатда турган жиноятчига тўппонча ўқталади. Жиноятчи бошини эгганича вагон-камерага чиқади. Вагон эшиги ёпилади ва поезд жўнаб кетади – отанинг ишини ўғил охирига етказади. Бундай фарзандларни халқимиз фахр билан «отасининг боласи», «ота ўғил», «от ўрнини той босар» деб таърифлайди.

Фильмдан чиқадиган хулоса шуки, фарзандлар, юрт ўғлонлари феъл-атворидаги мардлик, ботирлик, азму шижоат аввало оталарнинг ибратли фазилатлари туйфайлидир. Шу нуктаи назардан қараб, йигитларимиздаги тантилиқ ва баҳодирлик, қатъият, сабот ва матонат учун ота-боболаримиз, барча кекса юртдошларимизга, қизларимиздаги одобу ҳаё, ибобу назокат, мунислик, дилбарлик учун момоларимизга ҳар қанча раҳматлар айтиб, таъзим бажо келтирсак, арзийди. Ана шундай фазилатларни неча-неча замонлар синовидан безовол сақлаб, ёш авлодларга сингдиргани – уларнинг тарих ва келажак олдидаги бурчини шараф билан адо этганидан далолатдир.

Қатгага – ҳурмат, кичикка – иззат

Асрлар давомида тилдан – тилга, авлоддан – авлодга ўтиб келаётган мақоллар, хикматли иборалар халқимизнинг дунёқараши, ҳаётга, инсонга, унинг хис-

2. Козонилган, орттирилган хурмат; обрў, эътибор («Ўзбек тилининг изоҳли лугати», беш жилдлик, бешинчи жилд, Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008 йил, 563-бет).

«Иззат [а – шон-шухрат, хурмат, афзаллик, улуғлик]
1. Ўзганинг хурмат-эътибор туйғуси; шундай туйғули муносабат; хурмат...

Иззат-нафс кишининг ўз назаридаги, ўзига нисбатан иззат-хурмати; хурматгалаблик, нафсоният («Ўзбек тилининг изоҳли лугати», беш жилдлик, иккинчи жилд, Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008 йил, 180-бет).

Маълум бўладикки, хурмат элнинг эхтиромига ҳар томонлама муносиб бўлган одамларни кадрлаш, уларга миннатдорлик, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлишни билдиради. Иззат эса – инсоннинг инсонлиги, шани, гурури кадрланишидан далолат. Одатда хурматга ҳалол меҳнат, эзгу интилиш, ёрқин истеъдод, гинимсиз савб-ҳаракатлар эвазига эришилади. Иззат эса ўзининг иззат-нафсини, ҳар ишда меъёрни саклаб, инсофу диёнат чегарасидан чиқмасдан, сабр-каноат қилиб яшаш, камтарлик туфайли инсонга йўлдош бўлиши мумкин. Буни улуғ аждодимиз, шоир ва буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари ҳам тасдиқлайди:

*Каноат тариқиға кир, эй кўнгил
Ки, хатм ўлғай ойини иззат сенга.
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк басдурур,
Бу – бир тахту ул – чатри рифъат санга.*

Маъноси: эй кўнгил, каноат йўлига киргин, шундагина сенга иззат илмини ўрганиб, унинг йўл-йўригини пухта эгаллаш, беками кўст адо этиш муяссар бўлади. Агар шоҳ бўлишни истасанг, бунинг учун сенга еру кўкнинг ўзи кифоя эмасми? Чунки Оллоҳ таоло ерни

сен учун тахт, осмонни эса тахт устида соябон бўлиб турадиган чодир қилиб яратиб қўйибди. Яна нимани истайсан? Борига шукр ва қаноат қилгин.

Ҳақиқатан ҳам, ҳурмат-эҳтиром ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса инсонлар олдида ёшларнинг одобу тавозе билан хизмагга шай бўлиб туриши, уларнинг камгарлиги иззатга муносибдир.

Мамлакатимизда барча ижтимоий гуруҳ ва тоифалар қатори кекса ва навкирон авлод вакиллари ҳақида ҳам юксак эътибор ва ғамхўрлик билан юритилаётган сиёсатга диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, пири бадавлат қарияларимиз чиндан ҳам ҳурматда, азму шижоатли ёшларимиз чиндан ҳам иззатда эканини кўраемиз.

Ўтган йиллар давомида юртимизда биринчи навбатда кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш бўйича кўп иш қилинди. Бу ҳақда фикр юритганда, аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳрлаб қўйилган қўйидаги қондаларни эсга олиш жоиз:

«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» (39-модда).

«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда).

Айни вақтда мамлакатимизда қабул қилинган кўплаб қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кекса авлод вакиллари учун қулай имконият ва имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимизнинг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва 2011 йил 30 майдаги «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини эсга олиш лозим. Ана шу ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳоли, жумладан, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган бўлиб, улар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг тасдиғини бир қанча мисолларда кўриш мумкин. Масалан, сўнгги йилларда, жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инкирознинг салбий таъсири ва оқибатларига қарамаздан, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатда ривожланиб бораётгани халқимиз, жумладан, кекса авлод вакилларининг турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишда муҳим роль ўйнамоқда. 2014 йили мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларимизга бепул тиббий хизмат кўрсатишмоқда, улар санатория ва курорт муассасаларида даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Президентимизнинг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғ-

рисида»ги 2014 йил 13 октябрда имзоланган фармони бу борадаги ҳукукий-меъёрий базани мустаҳкамлашда яна бир улкан қадам бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари бир йилда бир марта, ўзлари учун маъқул бўлган фурсатда мамлакатимиздаги профилакторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан ўз саломатлигини яхшилаш имконига эга бўлишди.

Қайд этиш жоизки, 2015 йилда мамлакатимизда социал соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февраль куни имзоланган қарори асосида тасдиқланган «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастурида мазкур йилда амалга ошириладиган кенг кўламли хайрли ишлар белгилаб берилган. Айтиш лозимки, бу дастур кексаларнинг ҳаётини моддий ва маънавий жиҳатдан янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда ёшларни халқимизнинг кўп асрлик кадрийат ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилгани билан улкан амалий аҳамиятга эгадир.

Ёш авлодимизнинг келажагини ўйлаб амалга оширилайётган катта ҳажмдаги ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг микёси ва кўламини сўз билан ифода этишнинг ўзи қийин. Мустақилликнинг биринчи

йилларидаёқ юртимизда ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ташкил этилгани, Ўзбекистонимизнинг биринчи ордени айна шу ном билан аталгани – шу мисолларнинг ўзиёқ мамлакатимизнинг давлат сиёсатида соғлом ва баркамол авлод тарбияси нақадар буюк мақсад қилиб қўйилганидан далолат беради. Бундай эзгу ишларнинг давоми сифатида 1997 йилда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004 йилда эса Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, изчил амалга оширилди. Ана шу дастурлар туфайли Ўзбекистонда замон талабларига жавоб берадиган, дунё миқёсида тан олинган мутлақ янги ва самарали таълим-тарбия тизими шаклланди. Шу билан бирга, мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларидан иборат уч босқичли спорт мусобақалари тизими фаолият кўрсатмоқда. А йниқса, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спортини ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида давлат дастурлари амалга ошириляётгани, барча замонaviй қулайликларга эга бўлган умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрталари, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари фарзандларимизга камалига хизмат қиляётгани, бунинг манфиқий натижаси сифатида юртимиз ёшларининг халқаро илм-фан олимпиадалари, санъат фестиваллари, спорт беллашувларида юқори ўринларни қўлга киритяётгани, энг муҳими, бундай жараёнлар тобора кучайиб бораётгани кексалар – ҳурматда, кичиклар – иззатда бўлган мамлакатнинг бугунги ва эртанги ҳаёти қанчалик ёруғ, файзли ва обод бўлишига ёркин мисолдир.

Ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган ана шундай иккита ижтимоий қатлам манфаатларини ҳар томонлама

хисобга олган ҳолда, уларни ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ривожлантириш – бу давлат раҳбаридан жуда улкан билим ва тажриба, юксак тафаккурни, энг муҳими, бутун калби, вужуди билан ўз халқини севиб, унинг ташвиш ва қувончлари билан ёниб яшашни, иш олиб боришни талаб этадиган вазифа бўлиб, Ўзбекистонда айни шу вазифа гўла муваффақият билан адо этилаётганига бугун ҳаммамиз ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Бунда, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз Президентининг барча соҳаларда бўлгани каби, ушбу масалада ҳам пухта ўйланган ислоҳотларни амалга ошираётгани асос бўлмоқда. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, давлатимиз раҳбари 2000 йил 27 январда, Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида шу борадаги вазиларни аниқ-равшан белгилаб берганини кўрамыз:

«Ота-боболаримиздан қолган эзгу удумга мувофиқ, кекса ларга хурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зарур.

Нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизга ҳаммизга хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизмати қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга, азиз фарзандларимизга ғамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир».¹

Мана, кўриб турибмизки, бундан ўн беш йил олдин орзу қилинган мақсад бугунги кунда реал ҳақиқатга, ҳаёти мизнинг ажралмас бир қисми бўлган амалдаги қадриятга айланди. Уни янада мустаҳкамлаш, янги маъ-

¹ **Ислом Каримов.** Озод ва обод Ваган, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил, 343-бет.

но-мазмун билан янада бойитишда, табиийки, Кексаларни эъозлаш йили навбатдаги улкан кадам бўлади.

Давлат дастури: маъно-мазмун ва камрови

«Кексаларни эъозлаш йили» давлат дастури олти бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимда бутун бир чора-тадбирлар мажмуаси кўзда тутилган. Айниқса, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш учун кулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга қаратилган амалий ишлар диққатга сазовордир. Бу борада ишлаб чиқиш мўлжалланаётган қонун ҳужжатларига мувофиқ, кексаларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, жумладан, турли маълумотнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг кулай тизимини шакллантириш режалаштирилган. Бундай қонуний имкониятлар, ҳеч шубҳасиз, мўътабар нурунийларимизга қўллаб-қувватлаш масалаларни ҳал қилишда беқиёс кулайликлар туғдиради.

Дастурга мувофиқ ҳурматли отахон ва онахонлар, авваламбор, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар миқёси кенгайтирилмоқда. Улар учун муносиб турмуш шароитлари яратиш учун маҳаллалар, «Нуруний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари кучайтирилмоқда. Хусусан, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг

ҳар бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телеви-
зор ва мобиль телефон билан бепул таъминланиши,
уларга маҳаллий ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича
амалга оширадиган кўнғироқлари учун ҳар ойда, абоне-
мент тўлови олинмасдан, 60 дақиқалик бепул лимит
берилиши кўзда тутилганини таъкидлаш лозим. Уруш
ва меҳнат fronti фахрийларни мамлакатимиздаги сана-
тория ва соғломлаштириш муассасаларига бориш учун
йилига бир марта темир йўл транспортида бепул юриш
ҳуқуқидан, шунингдек, ҳаво транспортида бориш ва
келиш учун 50 фоиз миқдоридаги чеғирмадан фойдала-
ниши белгилангани ҳам улар ҳақидаги ғамхўрликнинг
муҳим бир кўринишидир.

Шу билан бирга, давлат дастурида фахрийлар ва
ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўр-
сатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли
асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика
тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий
усуллари билан камраб олиш ва улардан фойдаланишни
кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда
техник реабилитация воситалари билан, жумладан, им-
тиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатиш-
га ихтисослаштирилган санатория ва соғломлаштириш
масканлари, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари-
нинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга
алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, жорий йилда
1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-
моий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба
уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда мамлақати-
миздаги давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг
санатория ва соғломлаштириш муассасаларида бепул
соғломлаштириш ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда.
Бундан ташқари, бу йил ёши улуғ инсонлар кинотеатр,
театр, музей, концерт томошалари ва бошқа маданий-

маърифий тадбирларга бепул бориш имкониятига эга бўлади. Юз ёшдан ошган ва ундан катта ёшдаги кишиларни эъзозлаш ва улуглаш учун «Аср билан юзма-юз» акцияси ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш режалаштирилмокда.

Яна бир муҳим масала – кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизими самарадорлигини ошириш, улар учун туман ва маҳаллаларда кизикарли клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишга алоҳида аҳамият берилади. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, юртимиздаги барча маҳаллаларда отахонлар чойхоналари ташкил этилади ва уларда зарур шароитлар яратилади. Одатда чойхонада маҳалла аҳли бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш, газета ва журналлар мутолаа қилиш, шахмат ва шашка ўйнаш учун тўпланади. Энди чойхоналарда фахрийларимиз телевизор орқали махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар томоша қилишлари мумкин.

Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмаларида кекса ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган сектор мустақамланади, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идоралар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатувчи идоралар фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар учун «Кексаларнинг дуосини олайлик» акциясини ўтказиш ва тадбир доирасида уларни зарур мебель ва уй жиҳозлари, кийим-кечак, бадий адабиёт, стол ўйинлари тўплалари билан таъминлаш режалаштирилмокда. Шунингдек, «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида тадбирлар ўтказиш мўлжалланмокда. Бу тадбирлар доирасида ҳар бир вилоятдан кекса авлод ва-

килларини мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан гаништириш учун саёҳат уюштириш, «Энг яхши маҳалла гузари», «Кексалар – оила таянчи» деган номлар билан худудий кўрик-танловлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, давлат дастурида белгиланган ишлар, тадбир ва вазифалар кўлами жуда кенг бўлиб, уларнинг барчаси ҳақида батафсил тўхталиш, табиийки, кўп вақтни олади. Агар уларнинг барчасини мухтасар қилиб, аниқ рақамлар воситасида ифода этадиган бўлсак, «Кексаларни эъозлаш йили» давлат дастурида белгиланган барча эзгу тадбирларни амалга ошириш учун 2 триллион 246,5 миллиард сўм ва 229 миллион 600 минг доллар ажратиш кўзда тутилганининг ўзи бир йил давомида давлат ва нодавлат ташкилотлар, бутун халқимиз томонидан амалга ошириладиган ишлар кўлами ва миқёси ҳақиқатан ҳам нақадар катта экани аён бўлади.

Амалий ишлар самараси

Ҳозирги кунда юртимизда Кексаларни эъозлаш йилининг асосий гоёлари асосида мухтарам фахрийларимиз учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳаётини мазмунли, фойзли ва тароватли қилиш, улар ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликни ошириш борасидаги амалий ҳаракатларимиз янги босқичга кўтарилаётганини кўпгина мисолларда кўриш мумкин. Энг асосийси, бу ишларнинг самарасини отахон ва онахонларимиз кундалик ҳаётида сезиб, ҳис қилиб, бу ҳақда миннатдорлик билан гапирмоқдалар. Бунинг матбуоти-мизда радио ва телеканалларда мунтазам бериб борилаётган шуқроналик сўзлари яққол тасдиқлайди.

Айниқса, Кексаларни эъозлаш йили Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги нишонланган йилга тўғри келгани унинг аҳамияти

ва кадр-қимматини янада оширди. Ана шу иккита йирик тарихий воқеа муносабати билан мамлакатимизда 9 май – Хотира ва кадрлаш куни алоҳида кўтаринки руҳда байрам қилинганга барчамиз гувоҳ бўлдик, шу муносабат билан ўтказилган маданий тадбирлар, суҳбат ва учрашувларда бевосита иштирок этдик.

Бу ҳақда сўз юритганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг ана шу қутлуғ сана олдидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармони асосида амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли бўлади. Аввало, бу фармон кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси сифатида Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган учрашув ва маросимларни юксак савияда ўтказишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ана шу фармонга асосан тайёрланган махсус медаль Хотира ва кадрлаш куни арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, вилоятларимиз марказларида, шаҳар ва қишлоқларимизда ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Ана шу тантанали маросимлар жараёнида юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз иккинчи жаҳон уруши, унда эришилган ғалаба ҳақида, бу ғалабани ўзининг жасорати ва матонати, фидойилиги билан халқимизга, келажак авлодларга, бутун инсониятга буюк совға, тенгсиз неъмат сифатида яқинлаштиришга ҳисса қўшган қаҳрамон инсонлар тўғрисида яна кўпроқ билиб олдик. Тинч-осойишта, эркин ва обод кунлар ҳеч қачон ўз-ўзидан келмаслиги, бунинг учун тинимсиз курашиш, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш зарурлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда қабул қилинган яна бир тарихий ҳужжат – «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Пре-

зидент фармониға мувофиқ, уруш катнашчилари пул мукофотлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу йўналишдаги тадбирлар ҳам фахрийларимизни улуғлаш ва эъозлаш, инсонийлик ва меҳроқибат руҳида ўтгани эътиборлидир.

Муҳтасар айтганда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда «Жасорағ. Бурч. Мағнат» деган олижаноб шиор остида ташкил этилган бундай тантанали тадбир ва маросимлар уруш фахрийлари, буюқ ғалаба бунёдкорларини кадрлаш руҳида, кўтаринки қайфиятда ўтгани юртимиздаги ҳар қайси инсон, аввало фахрийларимизнинг ҳаётида ёрқин из қолдири.

Ана шу байрам арафасида муҳим ҳаётий, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган яна бир ҳужжат қабул қилиндики, у ҳақда ҳам алоҳида сўз юритмасдан ўтолмаймиз. Бу ҳужжат кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ҳақидаги Президент фармони бўлиб, унга биноан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган кексалар учун ҳар ойда уларнинг пенсиясига қўшимча равишда тўланадиган устамалар, уй-жой-коммунал хизматлар бўйича ва бошқа имтиёзлар белги-ланган. Таъкидлаш керакки, буларнинг барчаси вақтида бутун куч ва имкониятларини элу юрт тинчлиги ва раванқига бағишлаган кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Юртимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган бундай чоратадбирлар фахрийларимиз учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мадад бўлаётганини таъкидлашни истардик. Бундай ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик, шукроналик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончида, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюқ ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

Бизнинг бахтимиз шундаки, ўз вақтида, вазият такозо қилганда, азиз жонини аямасдан, оиласи, фарзандлари, она юртини ташлаб, дахшатли урушга отланган, Ватанимиз, халқимиз озодлиги, келажак авлодларнинг бугунги дориламон кунларда тинч-осойишта яшаши учун оловли жанггоҳларда қон кечиб ваҳший галалар билан олишган инсонлар – уруш ва меҳнат фахрийлари бугунги кунда орамизда, биз билан бирга яшамокда. Уларнинг ўша давр ҳақидаги хотиралари, урушдан кейинги оғир ва мураккаб йиллардаги меҳнат фаолияти, бугунги обод ва фаровон ҳаётимиз ҳақидаги фикрлари, туйғу ва кечинмалари – биз учун катта бойликдир. Айниқса, кечаги ва бугунги ҳаётимизни солиштириб, ҳолис она фикр ва хулосалар чиқаришда, тинчликнинг қадрини кўзда ёш, қалбда изтироб билан, ўзлари бошидан кечирган аниқ ҳаётий воқеалар асосида тушунтиришда ҳеч ким бу инсонлар каби улкан ҳаётий тажрибага эга эмас, деб ўйлаймиз.

Бу табарруқ инсонлар куч-ғайратга тўла ёшлиқ йилларида меҳнати, куч-ғайрати, ақл-заковати, ҳаётининг энг ширин ва тотли дамларини Ватан учун, келажак учун аямасдан, сафарбар этган экан, ана шу хизматлари учун муносиб мукофот сифатида уларга ҳар қуни, ҳар дақиқада меҳр ва эътибор кўрсатиш, ҳақиқатан ҳам, бизнинг муқаддас бурчи миздир.

Дунёдаги энг улуғ иш

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кексаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаган эди: «Барчамизни оқ юиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўъта-

лан камгарона яшаб келаётгани, албатта, буларнинг барчаси буюк бир тарих, улкан жасорат ва матонат сол-номасидир.

Давлатимиз раҳбари ғалабанинг 70 йиллиги ҳақида сўз юритар экан, унинг баҳоси ва аҳамияти, урушнинг огир оқибатларига айна шу нуқтаи назардан жуда кенг ва теран ёндашгани – бу аввало ана шу давр машаққатларига чидаб, бардош бериб, жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган, фронт ортида кишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамаси, кузнинг изғирин ва ёғинли кунларига карамасдан, сув келса, сибириб, тош келса, кемириб, фидокорона меҳнат қилган юртдошларимиз, бутун халқимизга юксак хурмат-эҳтиром намуна-сидир. «Бизнинг юртимизда ҳам бирорта инсон, оила йўқки, бу қирғиннинг жабрини тортмаган бўлса ёки уни кўзда ёш билан эсламаса. Бугун ана шундай изтироб юртимизда яшаётган ҳар қайси одамнинг хаёлидан такрор ва такрор ўтади, – деб таъкидланди интервьюда. – Қисқача айтганда, фашизм устидан қозонилган ғалаба халқимиз учун чиндан ҳам жуда катта машаққат эвазига қўлга киритилганини ва нақадар қимматга тушганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, уруш келтирган йўқотиш ва айриликлар, фарзанди, турмуш ўртоғи, ака-укалари урушга кетиб, қайтиб келмаган минг-минглаб оналар, бева қолган ёш-ёш аёллар, опа-сингилларимизнинг мотамсара бўлиб, бутун умр ўз жигарбандлари, болалари, яқинларини эслаб, уларнинг йўлига интизор бўлиб яшагани, ўйлайманки, ҳозир ҳам ҳаммамизнинг кўнглимизни безовта қилиши табиий, албатта. Чунки бу фақат хотира эмас, афсус-надоматли, аламли бир кечинмадир».¹

¹ **Ислом Каримов.** Инсон, халқ ва миллат хотира билан тирик ва барҳаётдир. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2015 йил, 6–7-б.

лиони урушда катнашиб, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган. Бошқача айтганда, уруш бошланиши билан Ўзбекистоннинг барча мард ўғлонлари фашизмга қарши курашга отланган, юртимизда қурол кўтаришга қодир бўлган ҳар қайси одам шу урушда катнашган.

Ана шу жасур ва фидойи ота-боболаримиз, акаларимиз она юртимизни ёвуз душмандан ҳимоя қилди ва керак бўлса, ўзбек халқи, ўзбек ўғлони нималарга қодир эканини амалда яна бир бор намоён этди, десак, тўғри бўлади».¹

Бу фикрлар бизни бир ҳақиқат ҳақида чуқур ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайдир. Яъни, кексаларимиз, айниқса Иккинчи жаҳон урушида катнашган, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган муҳтарам фахрийларимиз ёшлиқ кучи ва шижоатини энг муқаддас ишга она юртимиз озодлиги, унинг тинчлиги ва равнақи, халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга бағишлаган. Эл-юртимизда «кутлуг ёш», «мўғтабар ёш», «табаррук ёш», «ҳурмат-эътиборга сазовор», «пири бадавлат отахон ва онахонлар», «бахти бекам қариялар», «сўзи – ҳикмат, умри – ибрат» каби гўзал ибора ва таърифлар бор. Бизнинг кексаларимиз учун айни шундай таъриф ва тавсифлар ҳар томонлама муносиб. Бу иборалар неча асрлардирки, тилимиздан тушмасдан, доимо фаол қўлланиб келади.

Огоҳлик даракчилари

Давлатимиз раҳбари ҳар йили 9 май санасида бир фикрни алоҳида таъкидлайди. Яъни, ота-боболаримиз, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида бошидан кечирган азобу уқубатлари, барча синов ва машаққатлари,

¹ Ислом Қаримов. Инсон, халқ ва миллат хотира билан тирик ва барҳаётдир. Тошкент, «Ўзбекистон» нашрети, 2015 йил. 7–8-б.

жанг майдонларида кўрсатган жасорати ва матонати бизни доимо огоҳликка чорлайди: хушёр бўлинг, тинч ҳаётимизга, мустақиллигимизга, фарзандларимизнинг бахту камолига турли бало-қазолар хавф солмасин!

Бундай даъваткор сўзларнинг айнан Хотира ва қадрлаш кунда айтилиши бежиз эмас, албатта. Чунки хотира инсоннинг қалбини, онгу шуурини уйғотади, уни тарих сабоқлари орқали турли ҳақиқатлар, хавф-хатарлардан огоҳ этади, ҳаётга очик кўз билан қарашга ўргатади. Бу байрамнинг асосий қаҳрамонлари бўлган фахрийларимизнинг насихатларига кулок тутсангиз, уларнинг ҳар бир сўзи огоҳликдан нишона: болам энди у кунлар қайтмасин, бизлар кўрганни сизлар кўрманглар, бугунги эркин ва фарвон кунларнинг кадрига етинглар.

Ҳақиқатан ҳам, бахту саодатга эришишни, ўз ери, ўз юртида чинакам хўжайин бўлиб, ҳеч кимга бош эгмасдан мардона меҳнат қилиб, унинг роҳати, мевасини оиласи, қариндош-уруғлари, фарзандлари, эл-юрти билан баҳам кўриб яшашни истаган инсон, халқ ва жамиятнинг ҳар бир қадамида огоҳлик ва хушёрлик ҳамроҳ бўлиши лозим. Айниқса, кундан-кунга хатар ва таҳдидларнинг сонуну сановати, тури ва шакллари тобора кўпайиб, ҳаётимизга ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ёпирилиб келаётган бугунги ғоят мураккаб ва серташвиш дунёда. Ҳақиқатан ҳам, бундай сертахлика замонда огоҳлик туйғусисиз инсон, жамият ва халқ сезгирликни йўқотади, ихтиёрини, билиб-билмасдан, ёвуз кучлар кўлига бериб қўйиб, ҳаётнинг, таракқиётнинг мураккаб йўлларида боши берк кўчаларга кириб, асосий мақсадлардан чалғиб кетади.

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, табиатнинг асосий фалсафаси ҳам огоҳлик эканини, унинг ҳар бир ҳодисаси, одат ва қонуниятларда айни шу туйғу, шу даъват мужассам эканини кўраимиз.

Тасаввур қилинг, қаҳратон қиш тугаб, илик кунлар бошланиши билан қор тагидан бойчечак бош кўтариб чиқади – кўклам нафаси кеза бошлаганидан огоҳ этади. Тонг саҳарда, тонг шафағи уфқни қоплай бошлаши билан сайроқи қушлар чуғур-чуғурни, азалий хонишу нағмани бошлайди – янги кундан дарак беради.

Фараҳбахш кечаларда кўкка боқиб, фалакнинг нури ўроғи – ҳарир парда ортидаги хилолни кўриб, янги ой бошланганидан огоҳ бўламиз. Худди шунингдек, қовун пўчоғининг ерга тушиши – куздан дарак. Ариқдаги сувларнинг тиниклашиб, майин тортиб қолиши – сунбула келганига ишора. Дарахтларнинг барг тўкиб, ерларнинг ҳазонга бурқаниши – қиш муждаси. Хўрознинг қичқиривиши – уйғоқликка даъват. Чигирткаларнинг қирллаши – саратон «симфонияси» ва ҳоказо.

Нимасини айтасиз, ярим тунда гўдак уйғонади – онажон сун беринг. Кўкракни эмиб бўлгач, жавдираб тикилади. Қорин тўйди, қайғу кетди, энди кўнгилни тўйғазинг – алла айтинг.

Ўн еттига тўлиб, қизлар бир бошқача, ўн саккизга кириб йигитлар бир бошқача тўлишиб-очишиб кетади – севги фаслига қадам қўйганидан нишона.

Ҳар қадамда огоҳликнинг ана шундай сирли ва сеҳрли уммонида яшаб, одамзотнинг ғафлатга ботиши, хато устига хато қилиши – бу қандай кўрғилик, қандай нодонлик!

Ҳаётнинг, табиатнинг огоҳлик китобини ҳеч ким кексалар каби зукколик билан ўқий олмайди. Улар бир сиким тупроқни олиб, экин мавсуми бошланганини айтиб беришади. Чорвани узоқдан кузатиб қайси кўй қачон тулаши, қайси сигир қайси зотга мансублиги ҳақида бутун бир дostonни ҳикоя қилиб бериши мумкин. Баҳор қуруқ келса нима бўлади-ю, куз серёгин келса, нимадан дарак – ҳаммаси уларга аён. Ёки ёмон ниятли одамларга қараб «бунингнинг кўзи бежо» деб тўғри

«диагноз» кўяди. Шу маънода, кексаларни огохлик дарақчилари десак, адашмаган бўламиз.

Буюк аждодимиз Захириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида қуйидаги форсча байтни келтиради:

Ҳарчи дар оина жавон бинад,

Пир дар хишт пухта он бинад.

Маъноси: ёш киши ойнага қараб кўрган нарсани кекса киши ғиштга караган ҳолда ундан ҳам яхшироқ кўради.

Халқимизнинг «Қари билганни пари билмас», «Кўп кўрган кўп билади», «Қарисанг, биласан» деган мақол ва ўғитлари, кексаларнинг «Ёш улгайгач, куш уйку бўлиб қоларкан одам» каби эъгирофлари ҳам уларнинг борган сари кўнгли, ҳиссиётлари нозиклашиб, сезгир ва хушёр бўлиб қолишини кўрсатади.

Айниқса, ёшларга қараб умрнинг ўткинчилиги, вақтни беҳуда совурмаслик, ҳар бир дақиқани буюк имконият деб тушуниш ҳақидаги насиҳатлари – қисматдан, тақдирдан огохликнинг яққол намунаси, десак, адашмаймиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, атоқли ёзувчи ва шоиримиз Ҳамид Ғуломнинг «Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди» деган шеъри беихтиёр ёдга тушади.

Кўнгли ёшлигини ҳар дам қўмсайди.

Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!

Такрор этмас эдим бағри тошлигим.

Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Намунча енгилсан, намунча дайди?

Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!

Бўлмасди безамлик, бевардошлигинг,

Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Тонг юлдузи каби бир он кулсайди,

Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!

*Ўтда ёндирсардим кўнгил гашилинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!*

*Юрак илк севгига яна тўлсайди,
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди,
Шодлик, кўркамлигинг, серқуёшлигинг,
Жаҳон ёритарди худди ёшлигинг!*

Сўнги сатрларида озгина советча пафос сезилиб турса-да, шеър жуда самимий ёзилган. Аслида самимий иқрор билан айтилган, чин дилдан чиққан сўзнинг ўзи – шеър.

Яна бир мумтоз шоир ва адибимиз Шухрат домланинг қуйидаги сатрлари ҳам юқорида келтирилган шеърнинг мазмунига ҳамроҳанг. Нафақат ҳамроҳанг, балки айна ўша шеърга изоҳ, ғойибона жавоб тарзида ёзилгандек:

*Ёшликда ёшликни билмайди киши,
Ўрганиш, изланиш бўлади иши,
Вақт ўтиб, тиш тушиб, соч оқарганда,
Ёшликка оғасди хаёл, ташвиши.*

Одам қанчалик мазмунли ва фаол ҳаёт кечирмасин, умр қарвони манзилга яқинлашаверганидан сўнг барибир: «Ёшликка оғасди хаёл, ташвиши», – навқирон, азмушижоатли ёшларни, уларнинг ҳаёт йўлидаги имкониятларни кўриб, истаса-истамаса: «Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди»: – дейди беихтиёр. Ҳеч шубҳасиз, бундай сатрларда беғубор ёшлик онларини қўмсаш билан бирга, беҳуда ўтказилган олтинга тенг дамлар учун куйиниш, ачиниш оҳанглари ҳам, нимага вақтида огоҳ бўлмадим, деган афсус надомат ҳам бор.

Бу ҳаётда эзгулик ва яхшилик билан яшаган ютади. Буни устоз шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов тўрт сатр шеърда бундай ифода этади:

*Адоватдан сира келмаган бойлик,
Ҳосил гадолигу қуллик бўлади.
Лой отишган ёвлар икков ҳам лойлик,
Гул тутшиган дўстлар гуллик бўлади.*

Қариликка етиш – бахт

Алишер Навоий кексалик ҳақида фикр юритиб, унга: «Соқол оқи ўлимга пешравдурур, Тириклик майсаси узра кировдурур», – деб таъриф беради. Бу ўринда қарилик умрнинг хазон бўлиш фасли сифатида, бироз гамгин оҳангда тавсиф этилгани сир эмас.

Устоз адибимиз Асқад Мухтор эса: «Қариликдан кўркма, унга аввало етиш керак», – деб ёзган эди тундаликлар жанридаги «Уйку қочганда» асарида. Ҳақиқатан ҳам, қарилик фаслига етиш, унинг мўъжизаларини ҳис этиш ҳам – улуғ бахт, буюк неъмат. Бир қараганда, кексалик – ҳамма босиб ўтиши муқаррар бўлган йўл бўлиб туюлади. Лекин, афсуски, бу йўлдан юриш, унинг меваларини татиб кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермас экан.

Дарвоқе, бир умр яхшилик қилиб яшаган инсонлар учун қарилик – ҳосил йиғиш мавсуми, яъни қилган хайрли ва савоб амалларининг ажрини кўрадиган давр, деган ҳикматли сўзларни ҳам эсга олайлик.

Хуллас, ана шундай фазилатли оламга қадам кўйинч, унинг сокин кечаларида сайр қилиб, сукунат ва вазминлик неъматидан баҳраманд бўлиш ҳам барчага насиб этавермайдиган тақдир экан. Шунинг учун тўй кечаларида ёш келин-куёвларга, дастурхонлар бошида, қувончли кунларда оилали одамларга самимий тилаклар билдирар эканмиз, «қўшганингиз билан кўша қаринг», деб ният қиламиз. Ёш болалар акса урса, «Чол Бўл-ей, пир Бўл-ей!» деб ҳам соғлик, ҳам узок умр тилаймиз. Бир сўз билан айтганда, қарилик, баъ-

зилар ўйлаганидек, қўрқинчли эмас, аксинча, умрнинг бошка босқичларида учрамайдиган мўъжизаларга эга бўлган илоҳий бир давр. Кўп нарса инсоннинг ўзига, унинг умри қандай ўтказишига боғлиқ. Заҳрирдин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» китобида дўстлар билан ўтган аза ҳам тўйдир, деган мазмундаги форсча мақолни ҳам келтириши бежиз эмас. Демак, яхши дўсту биродарлар, эзгу ниятли кишилар даврасида, соғлом муҳитда ўтган умрнинг ҳар лаҳзаси – у ёшлик ёки кексаликка мансубми, бундан қатъи назар – саодат онлари каби азиз ва қадрлидир.

Иккинчи жаҳон урушида 500 мингга яқин юртдошимиз навқирон ёшида ҳалок бўлди, кексалик шаробини татиб кўрмасдан, суюкли ёри билан севги-муҳаббат нашидасини суриб, фарзанду набиралар орттириш, кўша қариш бахтига муяссар бўлмасдан, дунёни тарк этди. Лекин улар ўзларидан биз учун, келгуси авлодлар учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган қимматли мерос – озод шаҳар ва қишлоқларимиз, нурли, гароватли ҳаётимиз, улар учун ҳам яшаш, севиш-севилиш, ёшлик-кексалик гаштини суриш имкониятини қолдирди. Шунинг учун ёшларимиз навқиронлик сурури, муҳаббатнинг қувончи, изтиробу аламларини туйганида, катта ёшдагилар оила, фарзанд, нева-чевара бахтидан миннатдор бўлганида, кексаларимиз ўзларига нисбатан элу юрт эъзозини ҳис қилганларида, буларнинг барчаси учун ўша 500 минг нафарга яқин юртдошимизнинг руҳи поклари олдида қарздорлик туйғусини сезиб, уларга муносиб бўлиб, бамисоли улар етолмаган кунларни яшаб, уларнинг орзуларини амалга ошираётганларини англаш демакдир. Бинобарин, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик, ворислик анъаналари, илоҳий ришталар бор экан, аждодлар дунёдан ўтгани билан уларнинг покиза ҳис-туйғулари, хохиш-истаги, интилишлари завол билмайди, аксинча, янги-

янги авлодлар тимсолида давом этади. Шунинг учун ҳам нуруний отахон ва онахонларимиз ўгил-қизлари, неварачевараларига, уларнинг феъл-хўйи, қилиқ ва ҳаракатлари, мақсад-муддаоларига қараб умри ана шу зурриётлари орқали давом этаётганини юрак-юракдан хис этиб, бундан чуқур мамнуният хис этадилар.

Соғлом ва саодатли кексалик

Албатта, ўзига хос инсоний мазмунга, сўз билан таърифлаш қийин бўлган ажиб гўзаллик ва тароватга эга бўлган кексалик ҳақида кўплаб ҳаётий фикр-мулоҳазалар, аниқ мисоллар келтириш мумкин. Лекин шу ўринда бу ноёб умр ҳодисасининг илмий таърифи қандай, қадимги ва бугунги давр алломалари бу ҳақда нималарни ёзиб қолдирган, деган савол туғилиши табиийдир.

Илм-фан оламида, инсон ҳаётининг барча давр ва қирралари сингари, кексалик ҳодисасини ҳам алоҳида йўналиш сифатида ўрганадиган махсус тармоқ бўлиб, у геронтология деб аталади. «Геронтология» сўзи юнонча ва gerontos – қария, logos – фан маъносини англатади. Бунинг маъноси – жонли мавжудот, жумладан, инсоннинг қариш-қартайиш ҳолатини тадқиқ этадиган илм демакдир.

Ҳозирги кунда геронтологиянинг ўнлаб йўналиш ва шохобчалари маълум. Гериятрия (қариган жисмларга хос касалликларнинг хусусиятлари ҳақидаги таълимот), герогигиена (катта ёшдаги кишиларнинг озодалик, саришталик маданияти, яъни гигиенаси ҳақидаги фан), ижтимоий геронтология (қариш жараёнининг демографик, ижтимоий-иқтисодий, диний ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ муаммоларни маънавий-руҳий тадқиқот йўллари билан ўрганадиган илм тармоғи) ва бошқа йўналишларни бу борада мисол килиб келтириш мумкин.

















Милоддан олдинги қадимги асрларда «геронто-кратия» (юнончада қариялар ҳокимияти деган маънони билдиради) деган тушунча бўлган ва Грецияда шу номдаги бошқарув тузилмаси фаолият кўрсатган. Яъни, ушбу кўхна ўлкада қариялар кенгаши – герусий деб аталган ва муҳим ҳаётий масалалар бўйича қарор қабул қилишда унинг фикри алоҳида эътиборга олиниб, устунлиги эътироф этилган. Кенгаш аъзолари эса геронтомлар деб аталган. Бу қариялар деган маънони билдиради. Қадимий юнон адабиётининг асосчилари ҳисобланган Гомер дostonлари ва Софокл трагедияларида кекса донишмандлар асосан илоҳий мўътабар зотлар сифатида тасвирлангани ҳам уларга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Фалсафа фанлари номзоди, таниқли олим ва журналист Баҳодир Зокир «Умрбоқийликнинг чораси борми?» деб номланган мақоласида геронтология илмининг шаклланиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги маълумотларга эътибор қаратади: «Инсон ҳаётининг мазмуни, уни белгиловчи омиллар, умрбоқийлик масаласи азалдан буюк алломаларни қизиқтириб келган. Милоддан олдинги V–IV асрда яшаб ижод этган эфеслик (Юнонистондаги қадимий шаҳар – Б.З.) Гераклитнинг: «Борлиқдаги барча жисмлар тинимсиз ҳаракатда намоен бўлади, ҳамма нарса оқади, ўзгаради», – деган ғоясида ҳаётнинг моҳияти тараккиёт, ўзгариш, борлик ривожини тўғрисидаги таълимотга асосланиши ифодаланган. Шундай экан, нима сабабдан тўхтовсиз ривожланиш, тараккиёт, ҳаётнинг мукамаллашуви жараёнида унга тамоман қарама-қарши ҳолат – қариш, емирилиш ходисаси рўй беради?

Мазкур ходисанинг фалсафий моҳияти, унинг асосий сабаблари илк бор юнон алломаси Арастунинг энтелехия (ҳаётий куч) ҳақидаги таълимотида ўз ифодасини топган. Файласуфнинг назарида, қаришнинг

сабаби карама-қарши ходисалар – ҳаёт (ривожланиш ва тараккиёт), ўлим (қариш, емирилиш) ўртасидаги қурашда намоён бўлади. Ҳар бир тирик мавжудотга хос «ҳаётӣ куч» чеклангани боис, вақт ўтиши билан таъсирини йўкотди. Эътиборли жиҳати шундаки, орадан неча минг йиллар ўтган бўлса-да, Арастунинг ана шу ғояси замонавий геронтологик назариялар (хусусан, инсон жисми машина сингари емирилиши ҳақидаги концепциялар ёки емирилишнинг муайян омилларини, хусусан, ген, фермент, тўқима, ҳужайра ва ҳоказо) излаб топишга уринаётган олимлар учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилмоқда».¹

Қадимий юнон файласуфи Афлотун «Давлат», «Қонун», «Сиёсат», «Мактублар» каби асарларида геронтология, яъни кексалик сирлариға оид қарашларини баён қилади. Афиналик донишманд кекса одамларни тарих, анъана ва қонунлар ҳимоячиси, деб таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунга қадар ана шу уч қадриятни асраб-авайлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ажодлардан авлодларга етказишда ёши улуг инсонларнинг хизматлари беқиёс бўлиб келмоқда. Биргина меҳнат, муомала, ахлоқ-одоб тарбиясини, рўзғор, оила тебратиш маданиятини шакллантириш, бу борадаги анъаналарни замоннинг талабларига уйғун ҳолда бойитиш ёки такомиллаштиришда ота-оналарнинг фарзандларга, бобо ва момоларнинг невараларга таъсир қандай қатта эканини ҳаммамиз шахсий ҳаётимиз миқсолида кўриб, бунга тўла ишонч ҳосил қилганмиз.

Муаллифнинг таъкидлашича, римлик нотик ва файласуф Марк Туллий Цицерон, немис мумтоз фалсафасининг буюк намояндалари Фихте, Кант, Гегель ҳам қарилик ходисасини турлича нуқтаи назардан тадқиқ

¹ Баходир Зокир. Умрбоқийликнинг чораси борми? –Т., «Тафаккур» журнали, 2002 йил, 4-сон, 27-бет.

этишга ҳаракат қилишган. Шарқда эса буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино кексалик феномени ҳақидаги пухта асосланган фикрлари билан аллоҳида таълимотга асос солган. Бу таълимотда немис файласуфларидан анча илгари руҳнинг жисмдан ажралганидан сўнг мустақил яшаши ва абадийлигига урғу берилади. Улуғ ҳақимнинг «Тиб қонунлари» асарида турли ёшдаги одамлар учун жисмоний машғулотлар, махсус уқалаш машқлари (мас-саж), вақтида овқатланиш, ухлаш, дам олиш бўйича илмий-амалий жиҳатдан асосланган тавсиялар берилади. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, деб қайд этади мақола муаллифи, Абу Али ибн Синони ҳақли равишда геронтология фанининг отаси дейиш мумкин.

Ибн Сино кекса инсонлар вужудидаги жисмоний қобилиятларнинг сусайиб, номатлуб ўзгаришлар кучайиб боришига сабаб уларнинг темпераменти – мизожи ва таъбига боғлиқ эканини илмий йўл билан исботлаб беради.

Алломанинг қайд этишича, мизож уч турли бўлади. Агар кекса киши тўладан келган, юзи оқ, малласоч бўлса, улар совук мизож бўлади. Совук мизожлар қарилик даврига қадам қўйишганида касалликка тез-тез чалинадиган бўлиб қолишади. Аксарият ҳолларда уларнинг бели, бўғин ва оёқлари қақшаб оғрийди. Бундай отахон ва онахонлар қарилик кучайгани сари совукка таъсирчан бўлиб боради ва турли хасталиклар уларни безовта қилаверади.

Бундан фарқли равишда иссиқмизож кишилар қорамағиз, қорасоч, қотма ва озғин бўлишади. Улар кексалик даврида совукка мойил бўлиб, камроқ хасталанади.

Учинчи мизождаги кишилар юқорида зикр этилган икки мизож ўртасидаги кишилар бўлиб, улар иккимизожлик деб аталади. Уларда учрайдиган касалликлар ҳам ҳар икки мизожга хос бўлади. Бу тоифадаги одам-

лар бугдойранг, сочлари ҳам ўртача – тим қора ҳам эмас, сарғиш ҳам эмас – шу икки ранг миёнасида бўлади.

Геронтология фанининг Ўзбекистондаги фаол тадқиқотчиларидан бўлган олима Шоҳида Содикованинг ёзишича, Марказий Осиё халқларининг ноёб маънавий обидаси бўлмиш «Авесто» китобида ҳам кексаларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, қарилик ходисасининг моҳияти ҳақида ибратли фикрлар илгари сурилган. Ушбу кўҳна китобда, жумладан, бундай дейилади: «Кексаларнинг гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг... Яхши устозлар – Тангрига яқин одамлардир. Шунинг учун уларни эъзозлашимиз лозим».¹

Қадимий Хитой фалсафий тафаккурининг асосчиларидан бири бўлган устоз Конфуций (милоддан олдинги 551-479 йилларда яшаб ўтган) таълимотининг негизини ҳам аждодлар, уларнинг анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, асраб-авайлаш, моҳиятига етиш ташкил этади. Маълумки, бу донишманд муаллимнинг таълимоти Хитойда кўп асрлар давомида давлат ишларини юритиш дастури, тафаккур ва дунёқараш асоси бўлиб келган. Бу таълимотнинг таъсирини Япония, Жанубий Корея, Вьетнам каби давлатларда бугунги кунга қадар кўриш, уларнинг дунёқараши, урф-одат ва анъаналарига «буюк муаллим»нинг ғоялари сингиб кетганини ҳис этиш мумкин.

Мазкур таълимотнинг ўзагини «ли» – жамиятни бошқариш, турли удум ва расм-русумлар, воқеа-ходисалар тартибини белгилаш, ёш авлодни катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш етакчи ўрин тутаяди. Конфуций аждодлар ва авлодлар бир бутун жараённинг икки бўлаги эканини таъкидлайди. Бири жисмонан бу

¹ Ш. Содикова. Қариялари кадр топган юрт. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2015 йил, 75-бет.

хаётдан фоний бўлган бўлса, иккинчиси хаёт гулшанида нашъу намо суради, ота-боболарининг ишларини давом эттиради, хаёт карвонига сарбонлик қилади.¹

Ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн тўққизинчи асрда ижтимоий тафаккур ривожида рационализм ўрнини иррационализм эгаллай бошлаши билан хаётнинг маъно-мазмуни ва узок умр кўриш масалаларини ифода этишда тушкунлик кайфияти кўзга ташланади. Бу ҳолат айниқса А. Шопенгауэр, Э. Гартман, Ф. Ницше каби файласуфларнинг илмий-назарий қарашларида яққол сезила бошлайди. Бундай муносабатни кейинчалик экзистенциализм асосчилари М. Хайдеггер, Ж. П. Сартр, А. Камю сингари файласуф ва ёзувчилар янада ривожлантиради.

Қарияларнинг жамиятдаги ўрни ва ҳолати билан боғлиқ долзарб масалаларни назарий ва амалий томондан кенг тадқиқ этиш зарурати ижтимоий геронтологиянинг пайдо бўлишига асос бўлди. Ана шу йўналишни ривожлантириш жараёнида кексаликнинг социологик, социал-психологик, иқтисодий-маънавий, хулқ-одоб билан боғлиқ масалалари етакчи ўринга чиқди, деб таъкидлайди Ш. Содиқова илмий кузатишларининг маҳсули бўлган «Кексалари эъзоз топган юрт» китобида.

Таъкидлаш керакки, ижтимоий геронтология инсонни ижтимоий-биологик ходиса сифатида ўрганеди ва шунинг учун маъзкур йўналишларга оид илмий муаммоларни ечиш, тадқиқ этишда ижтимоий, тиббий-биологик кузатув натижаларидан фойдаланади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда ҳам ижтимоий геронтология фани ривожлана бошлади. Мамлакатимизда аҳоли, жумладан, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш, бу борада биз-

¹ Ш. Содиқова. Қариялари кадр топган юрт. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2015 йил, 58-бет

нинг шароитимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳос бўлган илмий-амалий усул ва ёндашувларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилгани бу борада муҳим замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда даволаш ва соғломлаштириш муассасаларига мурожаат қилаётганларнинг асосий қисми 60 яшар ва ундан ошган инсонлар экани, улар жами мурожаат қилувчиларнинг 25–30 фоизини ташкил этиши, айти шу ёш тоифасидагилар тиббий хизматлардан бошқаларга қараганда 4–6 марта кўп фойдаланиши – буларнинг барчаси улар ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликни алоҳида изга қўйиш, кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган социал ислохотлар, жумладан, «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг аксарияти ана шу жиҳатни ҳисобга олгани билан аҳамиятлидир.

Кексаларнинг ҳаёти ва саломатлигини илмий тадқиқ этиш ва зарур ҳулосалар чиқариш билан шуғулланадиган гериатр мутахассислар, социолог ва психолог олимлар кекса беморларга имкон қадар уларнинг уйлари, яшаш жойларида тегишли тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамни кўрсатган маъқул, деб ҳисоблашади. Чунки халқимизнинг «Ўз уйим – ўлан тўшагим» деган мақоли бежиз айтилмаган. Кексаларни иссиқ ўрнидан безовта қилмаслик уларни шамоллаш, турли юқумли вируслар хуружига дучор бўлиш, чарчаш-толиқиш каби салбий ҳолатлардан асрайди. Қисқача айтганда, отахон ва онахонларимиз организми ўрганган, кўниккан шароитда кўпроқ бўлишлари лозим. Бундай муҳитда улар ўзларини эркин ҳис қилишади, уларнинг кўнглида безовталик, бесаранжомлик, кимнидир овора қилиб қўяман-ку, деган хижолатпазлик ва ички хавотир, ҳаяжон бўлмайди.

«Соғлом кексалик» ва «Бахтли-саодатли умр кўриш учун интилиб яшаш» – геронтологларнинг асосий ши-

ори ва максадидир. Бунинг боиси шундаки, деб изох беради Ш. Содикова, ҳозирги кунда кексаларнинг сони дунё микёсида тез ўсиб, қарилик умумбашарий муаммолардан бири сифатида давлатлар, халқлар учун янги-янги муаммо ва вазифаларни келтириб чиқармоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, кексалик инсоннинг ўртаяшарликдан кейинги катта давр, ёши улуғ кишилар қаторига ўтишини англатади. Кексалик одам организми ривожининг сўнгги босқичи, умр китобининг сўнгги фасли битиладиган ибтидо палласидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кексайиш жараёнини қуйидаги учта хронологик босқичга бўлган: 60 ёшдан 74 ёшгача – кексалик; 75 ёшдан 89 ёшгача – қарилик; 90 ёшдан кейинги давр – узок умр кўриш даври.

Ғам қаритар, шодлик дардни аритар

Аслида кексаликнинг аниқ даври, муддати бўлиши мумкин эмас. Ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, ҳаммасини худо билади, ҳар ҳукм – унинг ҳукмидир. Ҳаётда баъзан шундай бўладики, 30-40 яшарлик одамлар ҳам сочи оқариб, букчайиб қолгандек туюлади. Баҳодир Зокирнинг юқорида зикр этилган мақоласида баён қилинишича, неолит даврида, яъни бундан уч-тўрт минг йил илгари одамларнинг умри 25 ёшдан ошмаган экан. Қадимги Юнонистон, Рим, Миср ва бошқа манзилу мароҳилларда ҳам умрнинг чегараси 30 ёш бўлган. XIX асрга келиб бу чегара 34 ёшгача узайган.

Буни қарангки, XX асрнинг иккинчи ярмида бу борада чинакам туб ўзгариш юз берган – инсониятнинг ўртача умри икки баробар узайган. Ҳеч шубҳасиз, бу ўтган асрдаги илмий-техникавий тараққиёт, жумладан, тиббиёт соҳасидаги улкан янгилик ва ютуқлар билан боғлиқ эди.

Ҳозирги кунда аҳолининг ўртача ёш кўрсаткичлари қандай? Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистик бюроси ва аҳоли бўлими ҳамда миллий статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ўртача умр кўриш даражаси дунё миқёсида эркаклар ўртасида 64 ёшни, аёллар орасида эса 68 ёшни ташкил этади. Европа мамлакатларида бу рақамлар зикр этилган йўналишлар бўйича 71 ёш ва 79 ёшдан иборат.

Юқорида баён қилинган кўрсаткичларни Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бизда кексалик – 60–69 ёш оралиғида, қарилик – 70–84 ёш оралиғида, узок умр кўрувчилар – 85 ёшдан кейинги давр деб ҳисобланади. Мустақиллик йилларида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Бу албатта ана шу даврда халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати, уй-жой шароити, тиббиёт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият самарадорлиги ошгани, юртдошларимиз ҳар томонлама эркинлик ҳавосини тўла ҳис қилиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаётгани ва бошқа ижтимоий омилларнинг мустақамлангани билан боғлиқ.

Энг муҳими, одамлар ҳаётида эски тузумдаги каби ҳар хил тазйик ва таъкиблардан кўркиб, ўз юртида бамисоли бегона бўлиб, камситилиб яшаш туйғуси батамом йўқолиб бормоқда. Халқимизда: «Инсонни гам-қайғу қаритади, сочини оқартириб, қалдини букади»; – деган ибора бор. Ҳақиқатан ҳам, алам ва изтиробда, дардли ўйларнинг зилдек юки остида яшаган инсоннинг еган-ичгани ўзига татимайди, машхур кўшиқда айтилганидек, озодликсиз унга ком, яъни ниятга етишмоқ йўқдир, асал ичса, заҳар бўлғай. Аксинча, хурлик, мустақиллик туйғули инсоннинг ҳаёти ширин, заҳар ютса, асал бўлғай.

Ҳолбуки, салкам 70 йил давом этган собик яқка мафкура ҳокимлиги даврида эл-юртимизнинг ҳаёти заҳар-заққумга тўлиб кетган эди. Пахта далаларига сепилган

турли кимёвий дори ва воситалар натижасида нафакат ейдиган озиқ-овқатимиз, ҳатто оналаримизнинг кўкрак сути таркибида ҳам ўта зарарли моддалар пайдо бўлган эди. Дехқонларимиз ёзу киш — ўн икки ой пахтазорда тер тўкиб, хирмон сувдан кўтарилганида ҳеч вақосиз қолиб кетаверар эди. «Меҳнатга тухмат» деганларидек, шунча азоб-уқубат устига ХХ асрнинг 80-йиллари охириларига келиб халқимиз бошига яна бир бало ёғилди. Собик Марказда режалаштирилган «Ўзбек иши», «пахта иши» деган, ғирт тухмат ва бўхтондан иборат оммавий катагон кампанияси қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг асоссиз равишда жазога тортилиши, минглаб хонадонлар, аёллар, ўғил-қизлар, гўдакларнинг хўрлик аламлирини тортишига сабаб бўлди.

Ўша даврда юртимиз энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси бўйича собиқ Иттифоқда охириги ўринлардан бирида турар эди. Ўзимиз пахта етиштириб, бир энлик доқа ёки сурп матога зор қолган кунларимиз ҳам кўп бўлган. Ёки юртимиз пахтасидан қайта ишланиб тайёрланган кўйлак ва бошқа кийим-кечаклар ўн баробар қиммат нарх билан бозорларимизга кириб келар ва халқимиз елкасига оғир юк бўлиб тушар эди. Пахта монополияси мисли кўрилмаган даражада авж олгани туфайли ўзимизнинг унумдор тупроғимизда мева-чева, полиз ва сабзавот, чорва маҳсулотлари етиштириш имкониятидан маҳрум эди. Ғалла, гўшт, картошка, тухум ва сут маҳсулотларини бошқа иттифоқдош республикалардан қанча қиммат нархда, турли оворагарчиликлар билан олиб келишга мажбур эдик. Одамлар, айниқса, Фарғона водийси вилоятларида каталакдек ҳовлиларда уч-тўртта оила бўлиб қисилиб яшашга мажбур эди.

1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида фожияли воқеалар юз берди. Ўзбекистон чирсиллаб турган ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида бамисоли

озгина учкун чикса, хўлу курук бирваракайига ловуллаб ёниб кетадиган даражада чуқур инқирозга тушиб қолган эди. Хайриятки, айна ўша қалтис вазиятда юртимиз раҳбарлигини халқимиз неча йиллар орзикаб кутган, узокни кўзлаб иш олиб борадиган мард ва олижаноб, азму шижоатли раҳбар – Ислон Каримов эгаллади. Қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, эл-юртимиз тинчлиги, унинг эркинлиги ва фаровонлигини ўзи учун энг олий мақсад деб билган Юртбошимиз Ўзбекистон миқёсидаги раҳбарлик фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ тарихий адолатни тиклаш, халқимизнинг хурматини жойига қўйиш, юртимиз заминини обод қилиш, унинг ривожини учун қудратли туртки беришдан бошлади. Эл-юртимизнинг неча йиллик орзу-интилишлари, ниҳоят, рўшнолик кўрадиган бўлди. Она диёримиз янги раҳбар бошчилигида ўзининг давлат мустақиллиги сари дадиллик билан илгарилай бошлади. Бу жараёнларнинг батафсил тафсилоти ва таҳлили давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида кенг ёритилгани учун бу ҳақда узок тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Хуллас, совет давридаги боши-ю охири кўринмайдиган ташвиш ва муаммолар ичида яшаган юртдошларимизнинг ноиложликдан, ҳасрату аламдан сочлари оқариб, барвақт қариликка юз тутиши табиий эди.

Мустақиллик билан бирга халқимизнинг умр баҳори ҳам бошлангандек бўлди. Инсоний шаънимиз, ҳуқуқ ва эркинликларимиз, қадрият ва анъаналаримиз, миллий ўзлигимиз тикланди. Еримиз, сувимиз, осмонимиз, бутун юртимиз унинг бағридаги барча моддий ва маънавий бойликлари билан бирга ўзимизники бўлди. Қалбимизга умид ва ишонч, билагимизга қувват, вужудимизга куч-ғайрат кирди. Қувонч қувончга, ёруғ ва шодумон кунлар янада файзли кунларга уланди. Бамисо-

ли куёш ҳамал буржига кириши билан бутун борлиқда ажиб мувозанат қайта тикланганидек, истиқлол офтоби бошимизда порлаши биланоқ ҳаётимиз маъноси, умримиз мезонлари ҳам асл ҳолатига қайтгандек бўлди.

Тарихан қисқа муддатда халқимизнинг умри узайди. Бу фикрни юқорида зикр этилган рақамлар яққол тасдиқлаб турибди.

Афсуски, кўплаб ижтимоий муаммолар оқилона ечимини топмаган, инсон тақдири эътибордан четда қолаётган, тиббиёт, таълим-тарбия соҳалари ривожланишда оқсаётган, турли касалликлар кўпайиб бораётган айрим минтақаларда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси хануз пастлигича қолмоқда. Масалан, Замбия ва Мали давлатларида бу борадаги кўрсаткич 43-44 ёшни ташкил этади, холос.

Ш. Содикованинг қайд этишича, олимлар кексаликни хронологик, физиологик, психологик ва ижтимоий кўриниш каби шаклларга бўлиб ўрганар экан. Бу эса ушбу табиий ва ижтимоий ҳодисани кенг тадқиқ этиш, илм-фан, энг муҳими, инсоннинг ўзи учун зарур бўлган назарий-амалий хулосалар чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 57,4 фоизини аёллар, 42,6 фоизини эркаклар ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда ҳар бир меҳнатга лаёқатли одамга битта меҳнатга лаёқатсиз одам тўғри келади ва уларнинг ярми кексалардир.¹

Ўзбекистон дунёда аҳолиси ўсиб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун юртимизда ёшларнинг сони кексаларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Мамлакатимиз аҳолисининг 56 фоизи 25 ёшдан кичик бўлган йигит-қизлар, ўсмирлар ва болалардир.

¹ Ш. Содикова. Қариялари кадр топган юрт. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2015 йил, 25-бет.

Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: тажриба ва анъаналар

Маълумки, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия тўловлари алоҳида ўрин тутади. Олима Ш. Содиқованинг таъкидлашича, пенсия – ойлик пул таъминоти бўлиб, фуқароларга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан конун асосида, белгиланган иш стажига эга бўлган тақдирдагина берилиши давлат томонидан кафолатланган ижтимоий муҳофаза шакли ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича турли моделлар мавжуд. ШУ борада Швеция, Финландия мамлакатларида қўлланаётган моделлар энг самарали моделлар сифатида тан олинган бўлиб, улар маъно-мазмунига кўра социал-демократик хусусиятга эга ва давлатнинг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича барча масъулиятни зиммасига олиши билан ажралиб туради.

Юкорида кайд этилганидек, пенсия ижтимоий ҳимоянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айтиш керакки, жаҳондаги мамлакатларда, хусусан, тараккий топган давлатларда, ривожланиш даражаси, аҳолининг демографик таркиби, жамиятнинг ишчи кучи ва кадрлар захирасига бўлган эҳтиёжига қараб, пенсия ёши турлича белгиланган. Дейлик, Италияда эркаклар 60 ёшда пенсияга чиқса, аёллар 50 ёшда чиқади. Францияда эса бу борада тенгхуқуқлик таъминланган – эркаклар ҳам, аёллар ҳам 60 ёшда пенсияга чиқади. АҚШ, Германия, Швеция, Канада ва Испанияда ҳам ана шундай тенглик мавжуд. Лекин уларда пенсия ёши 65 ёш қилиб белгиланган.

Кўпгина Европа давлатларида баъзи ижтимоий тоифа вакиллари умумий пенсия ёшидан олдинроқ пенсияга чиқиши ҳам мумкин. Бундай имтиёздан биринчи навбатда огир шароитда меҳнат қилаётган, ишидан соғлиғига зарар етадиган касб эгалари фойдаланади.

Мисол учун, Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Италия ва Голландия мамлакатларида шахтиёрлар кон казиш ишларида 15 йил ишлага нидан сўнг муддатидан 5 йил олдин пенсияга чиқади. Испанияда эса ерости конларида ўтган бир йиллик меҳнат даври учун пенсияга чиқиш ёши 6 ойга қисқариб Бораверади.

Ўзбекистоннинг пенсия тизими жуда самарали ва пухта ишланган. Бу тизим мамлакатимизда 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга асосланган бўлиб, унга кўра давлат пенсиясининг учта асосий тури белгиланган. Улар ёшга доир пенсия, ногиронлик учун ва боқувчисини йўқотгани учун пенсия ва нафақа тўловларидир.

Ёшга доир пенсияга чиқиш даври юртимизда эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 54 ёш қилиб белгиланган. Талаб қилинадиган мажбурий иш стажи эркаклар учун – 25 йил, аёллар учун эса – 20 йил.

Пенсияга чиқиш даври 5 йилга қисқартирилса, бу имтиёзли пенсия ёши ҳисобланади.

1999 йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Бу тоифа учун пенсияга чиқиш ёши бир йилга қисқартирилди. Шу тариқа, юқорида қайд этилганидек, 20 йиллик иш стажига эга бўлган, ёши эллик тўртга етган аёллар пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлик пенсияси меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилганида қонунга биноан белгиланади.

Боқувчисини йўқотгани учун деб аталадиган пенсия меҳнат қобилиятига эга бўлмаган, боқиб, парвариш қилиб турган яқинларини йўқотган инсонларга тўланади. Бу пенсия почта хизмати ходимлари томонидан шу пенсияни олишга ҳақли бўлган кишиларнинг уйларига етказиб берилади.

Ш. Содиқованинг китобида яна қуйидагиларни ўқиймиз: «Ўзбекистонда, хорижий давлатлардан фаркли ўлароқ, барча тоифадаги ҳарбий, ички ишлар ва

хавфсизлик хизматчиларидан пенсия жамгармасининг даромад киемида қатнашуви талаб қилинмайди. Бундан ташқари, баъзи оғир, соғлиққа зарарли соҳада ишлайдиган касб эгалари, кўп болали аёллар, ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, Ички ишлар вазирлиги ходимлари ҳам имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Айтиш жоизки, ҳарбий хизматчиларни, шунингдек, ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Мазкур тоифа вакилларига қонунда назарда тутилган асосларда пенсия олиш ҳуқуқи берилади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ички ишлар органлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул таъминотининг барча турлари, фуқароларнинг иш ҳақи сингари, бир хилда ҳисобланади.

Имтиёзли пенсиялар, ёшидан қатъи назар, пенсия ёши ва иш стажи қисқартирилган ҳолда тайинланади».¹

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 7,8 фоизи қариялар ташкил этади. Шундан 4,5 фоизи 65 ёшдан ошганлардир. Европа ва МДХ мамлакатларида бу рақам 11,4 фоизни, саноатлашган мамлакатларда 18,3 фоизни, дунё бўйича эса 6,8 фоизни ташкил этади ва уларнинг 90 фоиздан зиёди фарзандлари билан бирга яшайди.²

Бу рақамларнинг барчаси қариялар жамият ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароитлар мамлакат тараққиёти, унда халқнинг турмуш даражаси, аҳоли фаровонлиги қай даражада эканини, энг муҳими, инсон қайси ёшда бўлмасин, унинг ҳаёти, эҳтиёж ва манфаатлари давлатнинг эътибор марказида эканини ифода этади.

¹ Ш. Содиқова. Қариялари кадр топган юрт. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2015 йил, 35-бет.

² Ўша манба, 94-бет.

ХУЛОСА

Азиз ўқувчи, ушбу мўъжаз рисоламизда баён қилинган фикр-мулоҳазалардан яна бир бор аён бўлмоқдаки, кексалик умрнинг меваси ва ҳосили яққол намоён бўладиган, инсон оиласи, фарзандлари, ёру дўстлари, элу юрти билан кечирган яхши-ёмон кунлари, осуда ўтган йиллари учун қалбида чуқур шукроналик ҳисси билан яшайдиган гўзал ва баракали айём, қутлуғ фасл сифатида алоҳида эъзозу эътиборга ҳар томонлама муносибдир.

Биз – барчамиз ҳаётимиз давомида ҳақиқий бахт нима, қандай ишлар, эзгу фазилатлар инсон умрини ёруғ, мазмунли ва ибратга муносиб қилади, деган саволлар ҳақида кўп ўйлаймиз. Умримизнинг турли даврларида, кўнгил ҳиссиётимиз, тасаввур ва тушунчамиз, билим ва тажрибамиз им кон берган даражада бу саволларга турлича жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Бу жавоблар баъзан бир-бирига мантқан унча яқин келмаслиги, айрим ҳолларда эса дастлабки ҳолатида ўзгармасдан, қатъий эътиқодга айланиб, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини белгилайдиган маънавий мезонга айланиб кетиши ҳам мумкин.

Ишончимиз комилки, ана шу жавоблар орасида элда эъзоз, обрў-эътибор топиш, ҳар қандай шароитда ҳам ёруғ юз билан яшаш орзуси кўпроқ учрайди ва у аксарият юртдошларимиз учун ҳаёт мазмунини белгилайдиган ўзак тушунчалардан биридир.

Албатта, ҳаётда омад деган нарса ҳам бор. Айни пайтда йигитнинг омади бир келса, келади, келмаса, келмай-

ди, деган гап ҳам бор, Бинобарин, бир умр омадга ишониб яшаш ҳам тўғри эмас. Негаки, халқимизнинг «Сендан – ҳаракат, мenden – баракат» деган ҳикматли сўзи бе-кор айтилмаган. Хуллас, инсоннинг олдиға аниқ мақсад кўйиб, катъият билан интилиб яшашида ҳам гап кўп.

Ҳаётда кўп кўрганмиз, кимнингдир омади куч-қувватга тўлган навқиронлик даврида, бошқа бировники эса кейинрок келади. Ўзини билган, умр фалсафасини теран тушунадиган мардум, устоз шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек: «Ёшлигимда келган омад мен учун омад эмас, Ёшлик андоқ бахт эрурки, ўзга бахт хожат эмас», – деб, йигитлик давридаги ўткинчи омад ва ютуқлардан ҳаволанмасдан, куч-гайрати, билими, тажрибасини кейинги дадил кадамлари учун тайёрлайди. Аниқроқ қилиб айтганда, киши ёшлиқда ҳам меҳнати, истеъдоди, хайрли ишлари, одобу ахлоқи билан элда эъзоз топиши мумкин. Лекин бунинг нозик бир жиҳати шундаки, ёшлик, ғўрлик қилиб, эрта келган бахтнинг қадрига етмасдан, бори билан кифояланиб, бу ютуқни аста-секин бой бериши мумкин. Шунинг учун донишманд кексаларимиз айтади: «Ҳамма нарсанинг охири хайрли бўлсин, қариганда дўстга зор, душманга хор қилмасин».

Хулоса шуки, инсон бир умр элда эъзоз топиш учун интилиб яшайди. Шундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш – ҳеч шубҳасиз, энг улуғ бахт. Айниқса, кексайганида бундай эътибор ва эҳтиромнинг янада зиёда бўлиши одамга нафақат қувонч, балки сўз билан ифода этиб бўлмайдиган фароғат бахш этади.

Шу маънода, юртимизда қатта авлод вакиллари-га меҳр ва ғамхўрликни янада ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган йилга – 2015 йилга айнан Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берилгани бугунги ҳаётимиз, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик муҳитига узукка кўз қўйгандек ярашмоқда, десак, адашмаган бўламиз.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов 2014 йил 7 декабрда Ўзбекистон Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан зиёд эканини таъкидлади. Тасаввур қилинг, Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли юртимизда 2 миллион 873 мингдан зиёд инсон эъозу эътиборда яшаб, умр фароғатини туйиб яшайди. Уларга кўрсатилган иззат-икромдан уларнинг фарзандлари, набира ва чеваралари, яқин қариндошлари ҳам қувониши, хурсанд бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай эзгу ишларнинг аҳамиятини рақамлар билан ифода этишнинг ўзи қийин, албатта.

Юртимизда элу юрт ардоғида яшаб, бугунги кунда ҳам жамоат ишларида фаол иштирок этиб, фойдали ўғитлари билан ёшларимизга йўл-йўриқ кўрсатиб, уларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган хурматли фахрийларимиз ҳар бир маҳалла, шаҳар ва қишлоқда кўплаб топилади. Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Тўпалос қишлоғида умргузаронлик қилаётган мухтарам отахон Абдушукур Муҳаммадулов ана шундай толейи кулган инсонлардан. Оддий ва камтарин, меҳнатқаш инсон оиласида туғилиб вояга етган бу олижаноб инсон узоқ йиллар давомида мамлакатимиз пойтахтида, Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида масъул лавозимларда ишлади. Лекин ҳамма вақт ўзини элнинг содиқ фарзанди, унга холис хизмат қилдиган оддий инсон деб билди. Ҳеч қачон мен раҳбарман, деб бировга иддао қилгани, ҳаволаниш қайфиятига берилганини биров билмайди.

Айниқса, мустақиллик йилларида Абдушукур аканинг фаолияти янада самарали бўлди. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг Самарқанд вилояти бўлимида кўп йиллар ишлаб, мамлакатимизнинг ғалла

муस्ताқиллигини муस्ताҳкамлашга сидқидилдан қилган меҳнати билан ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда пенсияда, қарилик гашигини сурмоқда. Кўпни кўрган оксоқолнинг куйидаги шукрона сўзларида: «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» – деган саволга муносиб жавоб бор ва бугунги тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётимизнинг кадрига етишда барчамиз учун улар муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

«Ўтган асрнинг 60-йилларида, Тошкент шаҳрида институтда ўқиганимизда, баъзан поездга минишга тўғри келарди. Одамнинг кўплигидан, вагонлар ифлослигидан, бадбўй хидлардан нафас олиб бўлмасди. Ётиб кетиш у ёқда турсин, ўтиришга ҳам имкон йўқ эди. Ҳозир замонавий тезюар «Афросиёб» поездида Самарқанддан Тошкентга 2 соату 10 дақиқада етиб борамиз. Эски замонда эса бу йўлга роппа-роса 8 соат вақт кетарди.

Вокзал деганда энг кир, супурилмаган, ювилмаган, ифлос, бетартиб, шовкин-сурон жой кўз олдимизга келарди. Борарга жойи йўқ ҳар хил қаланғи-қасанғилар шу ердан паноҳ топарди.

Бугунги кунда Самарқанд вокзалидаги тартибни, озодалиқ ва саришталикни кўриб, ғурурланамиз.

Истиклол йилларида Самарқанднинг қиёфаси тубдан ўзгариб, бу шаҳар ҳам қадимийлик, ҳам замонавийликни ўзида мужассам этган, жадал ривожланаётган йирик марказга айланди.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолиги билан бу қадимий шаҳар бамисоли қайта туғилди, десак, хато бўлмайди. Шаҳар кўчалари кенгайиб, бир-биридан гўзал ва маҳобатли маъмурий, ижтимоий, маърифий бинолар, туаржойлар, сўлим хиёбонлар барпо этилди.

Айниқса, Самарқанднинг тунги жозибаси ва жамолини ҳеч қандай шаҳарга қиёслаб, менгаб бўлмайди. Тунги Самарқандда қандайдир сеҳр бор, таърифлаб бўл-

мас илохий кудрат бор! Биргина Регистон майдонини, унинг ён-атрофидаги мусикали фаввораларни кўрган одам бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Самарқанднинг юраги бўлган бу муаззам майдоннинг гўзаллигини таърифлашга тил ожиз. Шаҳар тунда турфа чироклар, нурлар ёғдусида шу қадар фусункор бўлиб кетадики, бу манзарани кўриб, шу юртда туғилганим, шу Ватанда умргузаронлик қилаётганим учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман.

2014 йилнинг 7 июль куни Американинг жаҳонга машхур «The Huffington Post» нашри дунёдаги албатта бориб кўриш лозим бўлган 50 шаҳарнинг рўйхатини эълон қилди. Уларнинг орасида Шарқ марвариди – менинг она шахрим Самарқанд ҳам борлигидан беҳад фахрланаман».¹

Ана шундай ҳурматли устоз инсонлардан яна бири – таниқли журналист, муҳаррир ва адабиётшунос, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий домладир. Маҳмуд акани мамлакатимиздаги кўплаб илм ва ижод вакиллари – ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, фалсафа соҳасида илмий-ижодий фаолият билан шуғулланган олимлар устоз деб билишади.

Заҳматкаш бу инсон 30 йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатимиздаги нуфузли марказий нашрлардан бири бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири бўлиб ишлади. Ана шу даврда миллий тилимиз, адабиётимиз, тарихимиз, адабий-бадий танқидчиликнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалар, суҳбат ва интервьюлар, давра суҳбатларини тайёрлаб, жамоатчилик эътиборига хавола этишда устознинг хизматлари кат-

¹ Абдушукур Муҳаммадқулов. Умр хикматлари. Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 2014 йил, 147–148-бетлар.

та бўлди. Айниқса, адабиёт ва журналистика оламига эндигина кириб келаётган ёшларнинг дастлабки ижод намуналарини синчиклаб ўқиш, уларга зарур маслаҳат ва кўрсатмалар бериш, ўрни келса, ҳар бир фикр устида биргаликда таллашиб-тортишиб ишлаш, сўзни ҳис этиш, тилни, унинг бойликларини кадрлаш, долзарб мавзуларга эътибор қаратиш борасидаги фаолиятини чинакам фидойилик деса бўлади.

Маҳмуд ака, пенсияга чиққанига ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳануз фаол. «Маърифат» газетасида ёш журналистлар учун ижодий тўғарак ташкил этиб, уларга маҳорат сабоқларини ўргатиб келмоқда. Айни пайтда ўзи ҳам ҳар икки ҳафтада бир марта газета учун махсус саҳифа тайёрлаб, унда газетхонлар эътиборини тортадиган долзарб ва муҳим мавзуларни ёритиб келмоқда.

Кексалик даврида ҳам одамларга, халққа, Ватанга кераклигини ҳис қилиб яшаш – бу ҳам катта бахт. Бундай туйғуни ҳар куни туйиб, ҳис қилиб яшаётган нуроний инсонлар ҳам орамизда беҳисоб. Бундан барчамиз хурсанд бўламиз, негаки, кексаларнинг бахти – бутун халқимизнинг бахти.

Бахт ҳақида сўз юритганда, бир мисолни қайд этиш ўринли бўлади.

Ўтаётган 2015 йилнинг бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети олимлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди. Мазкур тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистон 158 та мамлакат ўртасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай натижаларга эришишда эл-юртимиз, жумладан, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, бахтли ва фаровон

яшаши йўлида юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва ислохотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ҳақиқатнинг аниқ-равшан ифодасини айниқса Президентимизнинг қуйидаги сўзларида кўриш мумкин: «Бизнинг жаҳон миқёсида ана шундай натижага эришишга, шундай юксак маррага кўтарилишга қурбимиз етгани, мустақиллик йилларида мамлакатимиз нақадар улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганини, қандай эзгу мақсадларни рўйбга чиқараётганимизни яққол кўрсатади».¹

Юқорида зикр этилган рейтинг натижалари Интернет саҳифаларида эълон қилинган кунларда матбуотимизда яна бир қувончли янгилик ҳақида мақолалар чоп этилди. Буни қарангки, дунёдаги энг узок умр кўрган инсон ҳам бизнинг юртимизда яшаётган экан. Бу мўътабар сиймо – Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида истикомат қилаётган 119 яшарлик Момохон аядир. Табаррук онаҳонимиз 11 фарзанди, 50 нафардан зиёд набираси, 70 нафардан ортиқ чеварасининг меҳри ва ардоғида 120 йиллик таваллуд айёмини нишонлаш арафасида турибди.

Шу ўринда яна бир фикрни таъкидлашни истардик. Ўтаётган йилимизга Кексаларни эъозлаш йили деб ном берилгани аввало Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсонни энг катта бойлик сифатида улуғлаб, унинг ҳам моддий, ҳам маънавий камол топиши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий ифодаси, уларнинг узвий давоми сифатида мамлакатимиз тараккиётидаги изчиллик ва барқарорликка ғоят уйғун ва ҳамоҳанг экани билан эътиборлидир. Халкимиз босиб ўтган 24 йиллик мустақил тараккиёт йўли, шу йўлда эришган тажрибаларимиздан яхши

¹ **Ислом Каримов.** Инсон, халқ ва миллат хотира билан тирик ва барҳаётдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2015 йил, 37–38-бетлар.

маълумки, жамиятимизда кенг кўламли ислохот ва ўзгаришларни амалга оширишда ҳеч қайси ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатлари эътибордан четда қолаётгани йўқ. Оналар ва болалар, ёшлар, хотин-қизлар, турли соҳа ва тармоқларда сидқидилдан меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимиз – барча-барчасининг эзгу орзу-интилишлари ҳисобга олинмоқда. Биз ислохот деганда, биринчи навбатда инсон ва унинг манфаатларини самарали амалга оширишни тушунадиган бўлдик. Фикримиз, дунёқарашимиз, маънавий дунёмиз бугунги кунда айнан шундай эзгу кадрият ва тушунчалар асосида шаклланиб, юксалиб бормоқда.

Юқорида зикр этилган ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг ҳаммаси, бутун халқимиз учун ғоят азиз ва кадрли бўлган кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликнинг аҳамияти айниқса беқиёсдир. Чунки ўзининг навқирон ёшлиги, куч ва имкониятлари, маънавий салоҳиятини Ватанимиз равнакига бағишлаган отахон ва онахонларимизнинг юксак эъзозу эҳтиромга сазовор бўлаётганини кўриб, барчамиз ана шундай бахтли-саодатли кексалик барчамизга ёр бўлсин, деб ният қиламиз. Нуроний фуқаролари улғуланадиган шундай мўътабар юртда яшаётганимиздан фахрланамиз, унинг янада гуллаб-яшнаши учун бутун қалбимиз, вужудимиз билан меҳнат қилишга интиламиз.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастурини амалга оширишда бутун халқимиз фаол иштирок этмоқда. Бу дастурда белгиланган мақсад ва вазифалар, кенг кўламли чоратадбирлар барчамизнинг умумий ишимизга, мухтарам отахон ва онахонларимиз олдидаги инсоний бурчимизга айланмоқда.

МУНДАРИЖА

Мукаддима.....	3
Яхшиликдан яхшилик унар.....	13
Фарзандим деб яшагай инсон.....	19
Каттага – хурмат, кичикка – иззат	23
Давлат дастури: маъно-мазмуни ва камрови.....	31
Амалий ишлар самараси	34
Дунёдаги энг улуғ иш	37
Огохлик даракчилари.....	41
Қарилikka етиш – бахт.....	46
Соғлом ва саодатли кексалик.....	48
Ғам қаритар, шодлик дардни аритар.....	55
Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: таҷриба ва 60 анъаналар.....	60
Ҳулоса	63

МУРТАЗО ҚАРШИБОВ

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН КЕКСАЛАР

Тошкент «Маънавият» 2015

Мухаррир Б. Умаров
Мусаввир Ш. Соҳибов
Мусахҳихлар Ш. Ҳақимова, О. Пардаев
Компьютерда тайёрловчи И. Аҳмедов

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 13.07.2015 й.да
руҳсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б. т. 3,78. Нашр т. 3,8. 5000 нусха.
Буюртма № 15-67. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 65–15.